

# УЙҒУН

---

## БАҲОР НАФАСИ

Шеърлар

Тошкент  
Ғафур Ғулom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1988

Уз 2  
У 11

У 4702570200 — 164  
М 352 (04) — 88 Доп.—88 © Гафур Ғулом но-  
мредаги Адабиёт ва санъ-  
ат нашриёти, 1988 й.

ISBN 5—635—00204—8

# ВАТАН ИШҚИ

## ВАТАН ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Ватан — она сўзи нақадар лазиз!  
Сенсан ҳар нарсадан мўътабар, азиз,  
Ҳурматингни сақлар ҳар бир ўғил, қиз,  
Муқаддас, мўътабар, улуғ Ватаним,  
Шарафлар, шонларга тўлуғ Ватаним,  
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

Ишқинг ҳароратли қонимиздадир,  
Меҳринг дилимизда, жонимиздадир,  
Жангларда хаёлинг ёнимиздадир,  
Ишқи зўр жангларда қўллаган Ватан,  
Бизни саодатга йўллаган Ватан,  
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

Сен нажот манзили, тарихнинг фаҳри,  
Озодлик денгизи, саодат наҳри,  
Қўйнингда инсоннинг очилур баҳри,  
Қуёшдек оламга нур сочган Ватан,  
Ҳаёт гулшанида гул очган Ватан,  
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

Толеинг бахт эрур, йўлдошинг зафар,  
Ҳурлик бўстонида бағринг сарбасар,  
Тошларинг олтиндир, тупроқларинг зар,  
Бахтиёр элларнинг гуллаган боғи,  
Эзгулик манбаи, шодлик булоғи,  
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

Сенда қахрамонлик, шарафдир юмуш,  
Булоқларинг шарбат, сувларинг кумуш,  
Шифобахш этувчи соф ҳаволар хуш...  
Баҳор мисоллигим гўзал Ватаним,  
Гулшаним, гулзорим, боғим чаманим,  
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

Гўзал Россиянинг гул қучоқлари,  
Фарғона водийси, Помир тоғлари,  
Сибирь тайгалари, Қрим боғлари...  
Улуғвор, поёнсиз, чексиз Ватаним,  
Дунёда ягона, тенгсиз Ватаним,  
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

Баҳордан баҳорга кўчган фасллар,  
Ҳар фаслда минглаб ботир насллар,  
Лениндек мўътабар доно, асллар —  
Устирдинг, сендадир эрларнинг эри.  
Доҳийлар, олимлар, мардларнинг ери,  
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

Чапаев сен учун берган жонини,  
Пушкин сенга ёзган ўз достонини...  
Севган Навоийдек ғазалхонини,  
Маданият, санъат, билим ўлкаси,  
Мўъжиза яратган илм ўлкаси,  
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

Кўкингда барқ урар зафар қуёши,  
Сенда мажақланган кўп ёвнинг боши,  
Наполеон қочган кўл бўлиб ёши,  
Ёвни доим енгиб ўрганган Ватан,  
Зафар нурларига бурканган Ватан,  
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

«Ёв келди, кўзғал!» деб чорладинг яна,  
Милтигим қўлимда, тайёрман, мана,

Сўнги жангга кирдим сен учун, она,  
Шубҳасиз янчилар, топталар ғаним,  
Муқаддас Ватаним, жондан севганим  
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

Қонга — қон! Жонга — жон! Бермаймиз омон,  
Одамхўрлар бўлар ер билан яксон,  
Чунки партиядир сенга посбон,  
Сеникидир зафар, Ватаним, жоним,  
Давлатим, савлатим, шавқатим, шоним,  
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

1941 йил 8 октябрь

### ҲАЁТ ЧАҚИРАДИ

Ҳаёт чақиради мени ёнига!  
Зумрад баҳор бўлиб, гўзал ёз бўлиб,  
Кувноқ қўшиқ бўлиб, янгроқ саз бўлиб,  
Бахтни улуғловчи хушовоз бўлиб,  
Йўлимга гуллардан пойандоз бўлиб,  
Ҳаёт чақиради мени ёнига!

Кумуш пахта бўлиб, олтин дон бўлиб,  
Ер қаъридан чиққан сонсиз кон бўлиб,  
Қирларда, бўзларда гулистон бўлиб,  
Партия яратган улуғ шон бўлиб,  
Ҳаёт чақиради мени ёнига!

Денгиздай чайқалиб, дарёдай тошиб,  
Кўҳна қирғоқлардан кўпириб ошиб,  
Шарқираб, ярқираб, барқ уриб, серзавқ,  
Қалбимга тўлдириб ҳаяжон ва шавқ,  
Ҳаёт чақиради мени ёнига!..

ГЭСлардан нур бўлиб сочилган менман,  
Боғларда гул бўлиб очилган менман,

Кўкка юлдуз бўлиб учган ҳам ўзим,  
Чексиз фазоларни қучган ҳам ўзим,  
Гўдаклар кулгиси, оналар бахти —  
Ўзимман! Ўзимман эзгулик тахти!

Меҳнатга майдонман, ижодга конман,  
Мураккаб курашман, зафарман, шонман,  
Фазилатим беҳад, кучим беҳисоб,  
Ҳар ёққан чироғим ўзи бир офтоб,  
Талабим, имоним, қудратим зўр деб,  
Чексиз бойлигимни бирма-бир кўр деб,  
Ҳаёт чақиради мени ёнига!

Яшашнинг гаптини сурмоқчи бўлсанг,  
Ойдек жамолимни кўрмоқчи бўлсанг,  
Халқ билан барабар юришинг керак.  
Колхозчи билан бўл, ишчи билан бўл,  
Шулар билан яша, бериб қўлга-қўл,  
Ишга қаратилсин бутун ақлу ҳуш,  
Далаларга чиққил, шахталарга туш,  
Қурилишларга бор, заводларга бор,  
Халқнинг юрагини билишинг даркор,  
Кел, менинг юзимга яқиндан боқ, деб,  
Ҳаёт чақиради мени ёнига!

Агар шоир бўлсанг меҳнатдан қочма,  
Бўлар-бўлмасга ҳам оғзингни очма.  
Куйлайдиган бўлсанг дадилроқ куйла,  
Куйлашингдан аввал чуқурроқ ўйла,  
Чўққиларимга чиқ, бўл баландпарвоз,  
Ёзадиган бўлсанг зўр нарсдан ёз,  
Майда гапни асло оғзингга олма,  
Мудрама, замондан орқада қолма,  
Қаламни доимо иш билан қайра,  
Қалбимдан илҳом ол, бағримда яйра,

Хонангда ўтириб кузатма мени,  
Билармонлик қилиб «тузатма» мени.  
Хайр-маъзур йўлдан озмоқчи бўлсанг,  
Яқинроқ кел, мени ёзмоқчи бўлсанг.  
Яқинроқ кел менга, тортинмагил деб,  
Чуқур ўрган мени, яхшироқ бил деб,  
Ҳаёт чақиради мени ёнига!

*1961 йил 15 июнь*

## **УЛУҒ ПАРТИЯНИНГ ШАРОФАТИДАН...**

Октябрь қўшии барқ уриб боқди,  
Озодлик нурлари зулматни ёқди,  
Янги давр қўшиғи халқимга ёқди,  
Улуғ партиянинг шарофатидан.

Халқ минг кўзлаган мақсадга етди,  
Диллардан зулмнинг доғлари кетди,  
Давру даврон бизни бахтиёр этди,  
Улуғ партиянинг шарофатидан.

Ўз қадрини топди меҳнаткаш инсон,  
Ҳалол меҳнат билан топди шараф-шон,  
Ютуқларимиздан ҳайратда жаҳон,  
Улуғ партиянинг шарофатидан.

Гулзорга айланди қадимий чўллар,  
Обиҳаёт берди «қўлбола» кўллар,  
Коммунизм сари элтади йўллар,  
Улуғ партиянинг шарофатидан.

Хазонга учрамас гулбаҳоримиз,  
Олтинга айланар пахтазоримиз,  
Ватанни гуллатар ҳар бир коримиз,  
Улуғ партиянинг шарофатидан.

Жанггу жадалларда қозондик зафар,  
Ғолиб бўлиб чиқдик ишда ҳар сафар,  
Юксалди бошимиз самога қадар,  
Улуғ партиянинг шарофатидан.

Дўстлик ва қардошлик биз учун одат,  
Ленин гоёсига чексиз садоқат,  
Абадий ёр бўлди элга саодат,  
Улуғ партиянинг шарофатидан,

Улуғвор режалар амалга ошар,  
Йилдан-йилга бойлик ошар ва тошар,  
Халқу авлодимиз фаровон яшар,  
Улуғ партиянинг шарофатидан.

Дунёда адолат, тинчлик сақланур,  
Тинчлик гоёлари доним ёқланур,  
Жаҳон разиллардан, шаксиз, покланур,  
Улуғ партиянинг шарофатидан.

Онглари ёритди Ленин даҳоси,  
Ленинча дўстлигининг йўқдир баҳоси,  
Шу дўстлик ҳаётнинг эзгу асоси,  
Улуғ партиянинг шарофатидан.

Бизнинг измимизда замин у замон,  
Давлат, қудратимиз ўсмоқда ҳамон.  
Осмон мусаффордир, элу юрт омон,  
Улуғ партиянинг шарофатидан.

1986 йил 24 январь

## ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК

Ҳадемай Янги йил кириб келади,  
Ғалаба қозонган Ватанимизга.  
Янги йил, янги бахт, янги тухфалар,  
Янги зафар олиб келади бизга.



Янги йил муборак, ватандошларим!  
Бахтингиз ҳамиша сизга ёр бўлсин!  
Дунёда қардошлик, дўстлик, тотувлик,  
Ҳамжиҳатлик доим барқарор бўлсин.

Ишончимиз комил, халқимиз мудом  
Дадил қадам ташлар келажак сари.  
Ўз постида ҳушёр, маҳкам турибди  
Тинчлик қўрғонининг посбонлари.

Умид, ишончимиз, аҳдимиз маҳкам,  
Мунаввар кўринар бизга истиқбол.  
Дунё яшарсин, деб меҳнат қиламиз,  
Ейдиган ошимиз, нонимиз ҳалол.

Ҳа, доимо ҳалол меҳнати билан  
Нонини ҳалоллаб ейдиган халқмиз.  
Урушга йўл қўйиш жиноят, гуноҳ,  
Тинчлик қарор топсин, дейдиган халқмиз.

Болалар вояга етсин бахтиёр,  
Боғлар гулласин, деб меҳнат қиламиз.  
Инсонлар ҳаёти, дунё тинчлиги —  
Учун кураш эзгу иш деб биламиз.

Қувонч бағишласин бизга бу йил ҳам,  
Олтин далаларда ўссин гўзалар.  
Бу йил ҳам шод этсин ҳосил тўйида  
Саҳо шарбатига тўлган кўзалар.

Шарафли меҳнати ишчи, деҳқоннинг  
Бу йил ҳам жаҳонни ҳайратга солсин.  
Барча камчиликлар, барча хатолар,  
Етишмовчиликлар орқада қолсин.

Чорвамиз кўпайсин, суту қаймоққа,  
Гўштга сероб бўлсин, деймиз, элимиз.

Янги йилда иш кўп аввалгидан ҳам,  
Маҳкамроқ боғлансин толмас белимиз.

Юксак фанимиздан далолат берсин  
Олимлар яратган янги кашфиёт.  
Сақлансин, бор бўлсин олам тургунча  
Она-Еримизда яралган ҳаёт.

Ватан жамолига жамол қўшилсин,  
Халқнинг бойлигига қўшилсин бойлик.  
Аямайлик меҳнат, ғайратимизни  
Шаҳру қишлоқ бўлсин яна чиройлик.

Дастурхон устида Янги йил туни  
Олқишлаймиз доно Партиямизни.  
Зафардан зафарга олиб боради  
Шонли Партиямиз бу йил ҳам бизни.

Мадҳия янгрисин, ватандошларим,  
Улуғ халқимизни ардоқлаб яна.  
Бу йил ҳам музсар бўлсин халқимга  
Байрам, шодиёна, тўю тантана!

*1984 йил 26 декабрь*

## ШОНЛИ ШАНБАЛИК

Шубҳасиз, аёндир бу шанбаликнинг,  
Бу шарафли ишнинг маъноси сизга.  
Бу янгича одат, бу қутлуғ ҳашар  
Мерос бўлиб қолган Лениндан бизга.

Бу улуғ ҳашарга биринчи марта  
Иштирок қилганди Лениннинг ўзи.  
Ҳамон янграб турар қулоғимизда  
Ўшанда айтилган доҳийнинг сўзи.

Ишчилар бошлаган бу янги удум  
Меҳнат тарихида очди янги боб.  
Дунёни ҳайратга солганди улар  
Меҳнат жабҳасида кўрсатиб шитоб.

Бу иш замирида коммунизмнинг  
Бўстон бўладиган куртаклари бор.  
Ҳар ким ҳисса қўшар бу эзгу ишга  
Халқимиз бўлсин, деб мангу бахтиёр.

Бу иш ихтиёрий, беминнат ишдир,  
Ҳимматингга боғлиқ, бу шараф иши.  
Бу ишга қўл урар сидқидил билан  
Узини чин инсон деб билган киши.

Бу бизнинг муқаддас яшаш тарзимиз,  
Бу ватанпарварлар кўрсатган ҳиммат.  
Бу ҳиммат бойликка бойлик қўшади,  
Бу ҳиммат халқ учун олтиндан қиммат...

Ленин бошлаб берган бу эзгу ҳашар  
Яхши одат бўлиб кўп йиллар яшар.

*1985 йил 13 апрель*

## МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Лола байроқчалар кўтариб баҳор  
Олқишламоқдадир биринчи Майни.  
Гуллаган, қулф урган, яшнаган олам  
Намойиш қилмоқда тенгсиз чиройини.

Гул байроққа, байроқ гулга айланиб  
Гўзал дунёмизни яна безади.  
Майдон, кўчаларни тўлдириб, гавжум  
Жаҳонда намойиш, байрам кезади.

Бу улуг байрами меҳнат аҳлининг,  
Юзларда табассум, дилларда шодлик.  
Харобазор эмас, вайрона эмас,  
Дунёда ҳукмрон бўлсин ободлик.

Бу меҳнат байрами, тинчлик байрами,  
Жаҳон бўйлаб кезар қутлуғ тантана.  
Бахтиёр элларнинг шод қаҳқаҳаси  
Мусаффо кўк бўйлаб юксалар яна.

Еру кўкни қамраб этмоқда парвоз  
Дилларга хуш ёқиб Май таронаси.  
Меҳнат ардоқланар бу замонада,  
Бу замона тинчлик, эрк замонаси.

Ерда ҳам, кўкда ҳам уруш бўлмасин,  
Тинчликсеварларнинг қарори шундай.  
Урушнинг даҳшати, фожиалари  
Ҳаммасига аёндир, равшандир кундай.

Атом жангларидан ҳолий, осуда  
Тинчлик оғушида яшасин жаҳон.  
Ут қўйиш, қул қилиш учун эмас, йўқ,  
Бунёд этиш учун туғилар инсон.

Тинчлик ифодаси, тинчлик истаги  
Кексалар сўзида, ёшлар кўзида.  
Жаҳонгир домига тушмасин эллар,  
Ихтиёри, эрки бўлсин ўзида.

Яхши ният билан фарзанд ўстирган  
Оналар доимо бўлсин бахтиёр.  
Дунёда қардошлик, дўстлик, ҳамқорлик  
Муҳаббат, садоқат бўлсин барқарор.

Урушни, шубҳасиз, тинчлик енгади,  
Амалга ошади яхши тилаклар.  
Ленин байроғини баланд кўтариб,  
Иўлда давом этар толмас билаклар..

1985 йил 24 апрель

### КУЗ КЕЛДИ..

Куз келди, басавлат, бадавлат, сахий,  
Боғу далаларга тўлдириб бойлик.  
Қаранг: қандай гўзал боғлар, чаманлар!  
Қаранг: олтин дала қандай чиройлик!

Дала чорламоқда ёшу қарини,  
Элда йиғим-терим авж олган палла.  
Пахта тераётган теримчиларга  
Халқимиз юракдан дер: баракалла!

Далаларда гўё қутауғ тўй борар,  
Пахтазорда янграб қизлар ялласи.  
Бу палла ганимат, ҳар зуми олтин,  
Бу палла ҳаммага синов палласи.

Бугун синалади ҳар бир одамнинг  
Элга садоқати, юртга ихлоси.  
Бугун аниқланар ҳар ким бажарган  
Юмушнинг сараси, ишнинг аълоси.

Ҳозир синов пайти: ёшу қарининг  
Ишда баҳоланур кадр-қиммати.  
Таҳсинларга лойиқ ҳашарчиларнинг  
Теримда кўрсатган олий ҳиммати.

Ҳаммага аёндир: машиналарсиз  
Бажариб бўлмайдди катта юмушни.

Пўлат суворийлар отни қамчилап,  
Тез териб олайлик олтин-кумушни!

Ватанпарвар бўлсанг садоқат билан  
Теримда-ёғимда ўзингни кўрсат!  
Қор ёғиб қолмасин кўк қовоғидан,  
Дўстлар, ҳамла қилинг, ўтмасин фурсат!

*1985 йил 18 октябрь*

### ЭЗГУ ТИЛАҚЛАР...

Янги йил келади зафарга ундаб,  
Меҳнатга, ижодга, ғайратга чорлаб.  
Нурли истиқболга ишончимиз зўр,  
Келажак кўринар қуёшдай порлаб.

Йиллар ўтиб кетар йиллар орғидан  
Аммо, мангу қолар қилган ишимиз.  
Ватанга зеб берар, қудрат бағишлар  
Ўз меҳнати билан ҳар бир кишимиз.

Кўп бўлар орзулар, яхши тилақлар,  
Ниятлар, умидлар Янги йилда ҳам.  
Коммунистик ахлоқ, муқаддас ғоя  
Гул очилсин тобора онгда, дилда ҳам.

Яхшилар доимо иззатда бўлсин,  
Болалар улғайсин, чаманлар ўссин.  
Турмушимиз яна бўлсин фаровон,  
Саҳролар юзини чечаклар тўссин.

Ҳалол меҳнатимиз, ҳимматимиздан  
Далалар яшнасин, гулдасин боғлар.  
Батамом йўқолсин ҳаётимиздан  
Баъзи бир ярамас иллатлар, доғлар.

Маҳсули мўл бўлсин ҳар кунимизнинг,  
Беҳуда ўтмасин қадри зўр чоғлар.  
Ҳар ерда мустаҳкам интизом бўлсин,  
Ғайрат кўрсатайлик азиз ўртоқлар.

Келинг, биргалашиб ҳамла қилайлик:  
Порахўр, чайқовчи йўқолсин тамом!  
Элда бош кўтариб юра олмасин,  
Сафни булғамасин бўлганлар бадном.

Инсонлар дунёга яшамоқ учун,  
Меҳнат, ижод қилмоқ учун келади.  
Ҳамон эсимизда даҳшатли уруш,  
Саноқсиз одамни қонга белади...

Уруш чиқариши мумкин янгидан  
Эҳтиёт бўлмасак отилган бир ўқ.  
Йўл қўйиб бўлмайди урушга асло!  
Атом урушига мутлақо йўл йўқ!

Тинчлик душманлари жуда ҳам айёр,  
Уруш бошламоқчи гафлатда қолсак.  
Ёвуз ниятига етолмас ёвлар  
Даҳшат, фалокатнинг олдини олсак.

Ер юзида тинчлик сақланур абад,  
Тинчликсеварларнинг қатъий қарори!  
Доимо бор бўлсин башарнинг бахти,  
Абадий яшнасин олам баҳори!

Халқимиз боради келажак томон  
Коммунизм сари бошланган йўлдан.  
Партия ишига содиқ халқимиз  
Ленин байроғини туширмас қўлдан...

*1985 йил 19 декабрь*

## ЯХШИ НИЯТ

Қоплаб келмоқдадир жаҳон уфқини  
Қора булутларнинг мудҳиш сояси.  
Хавфу хатарларга, урушга қарши  
Онгларда ҳукмрон тинчлик ғояси.

Фақат шу ғоядан элга омонлик,  
Шу ғоя туфайли яшнар Еримиз.  
Шу ғоя туфайли гул бўлиб унар  
Меҳнат-ла тупроққа тўккан теримиз.

Бугуннинг энг зарур, энг муҳим иши  
Дунё тинчлигини қўриқлаш, сақлаш.  
Келгуси авлодлар, тарих олдида  
Инсонлик номини, бурчини оқлаш.

Қандайдир ярамас, лўттибоз зотлар  
Жаҳоннинг бахтига чанг солмоқ истар.  
Қонсираган ёвуз шерикларини:  
«Атом урушини бошланг!» деб қистар.

Ҳушёр бўлиб тулинг, азиз инсонлар,  
Ерда юз бермасин уруш, фалокат.  
Уруш бало-қазо, қонли жаҳаннам,  
Уруш олиб келар, ўлим, ҳалокат.

Қурол-яроғларнинг сғирлигидан  
Узилиб кетмасин Курраинг бели!  
Учириб қўймасин ҳаёт чирроғин  
Атом бомбасининг ўтнафас ели.

Яккаю яғона олам аро Ер,  
Ердан бошқа тирик сайёра йўқ.  
Ерни кул қилиши мумкин ёндириб  
Машъум ракетадан отилган бир ўқ!



Тинчимни йўқотиб шеър ёздим, майли,  
Жаҳоннинг тинчлиги бузилмаса бас.  
Ҳа, тинчлик сақланур, урушқоқларнинг  
Барча уриниши, найранги абас!

Ҳеч вақт бузилмасин жаҳон тинчлиги!  
Шудир инсонларнинг муқаддас ўйи.  
Дунёни қопласин абадулабад  
Раиғ-баранг гулларнинг муаттар бўйи.

Оламнинг ҳуснига ҳусн қўшилсин,  
Кўкарсин гиёҳлар, сайрасин қушлар.  
Дунёни безатсин, бойитсин мудом  
Қаҳрамон халқимиз қилган юмушлар.

Атом урушига йўл қўйиб бўлмас!  
Тинчликсеварларнинг қатъийдир аҳди.  
Дунёда тинч яшаш, тинч меҳнат қилиш —  
Шудир инсонларнинг энг улуғ бахти...

1984 йил 13 декабрь

### МЕН СЕНИ ТЭНИЙМАН...

Мен сени тэнийман, номаълум солдат,  
Сен, ўша, қўшнимнинг фарзанди эдинг.  
Не-не умид билан сени ўстирган  
Муштипар онанинг дилбанди эдинг.

Ўзинг номаълумсан, аммо, ишларинг,  
Жасоратинг бутун дунёга аён.  
Мен сени тэнийман, номаълум солдат,  
Ҳаётингдан жиндак қиламан баён.

Ҳа, сен ўша, менинг қўшнимсан, жигар,  
Кўз ўнгимда ўсган, вояга етган.

Сен ўша, меҳрибон, забардаст йигит,  
Энди, донғи бутун дунёга кетган.

Мен сени танийман болалигингдан:  
Тийрак, зийрак эдинг, ёқимтой эдинг.  
«Кўкка сапчир эдинг ерга урсалар»,  
Шўх эдинг, «шарқираб оқар сой» эдинг.

Мақтабда ўқидинг ҳамма қатори,  
Аъло ўқишингни эшитган эдим.  
Яхши одобингни, феълингни билиб,  
Кифтингга қўл кўйиб тасанно, дедим.

Яхши кўрар эдинг ўйин-кулгини,  
Бўйин товламасдинг ҳеч қайси ишдан.  
Ишладинг, суягинг меҳнатда қотди,  
Мартабанг юксалди ҳалол юмушдан.

Кўкаламзорларда қийқариб, кулиб,  
Тенгқурларинг билан ўйнаб ювардинг.  
Қушлар ўйинига ҳавасинг келиб,  
Мусаффо осмонга қараб турардинг,

Қувониб кетардинг, қизлар қўшиги  
Ҳаяжонга солиб етса қулоққа.  
Майсалар устидан чопқиллаб бориб  
Юзингни ювардинг муздек булоққа...

Сени севар эди бутун маҳалла,  
Кўшимнинг тўнғичи, тўнғич эркаси,  
Жасоратинг билан, мардлингни билан  
Бўлолдинг йигитлар, мардлар серкаси.

Грқин келажакни кўп ўйлар эдинг,  
Севардинг, сени ҳам севарди ёринг.

Ширин хаёлларга бориб юрарди  
Невара кўрай, деб, онаизоринг.

Ҳа, сени танийман, номаълум солдат  
Сен ўша кўшимнинг боласи эдинг,  
Бир куни учратиб сўраганимда  
«Вақти келса солдат бўламан», дединг.

Вақти келганида солдат ҳам бўлдинг,  
Хайрлашиб кетдинг жангга — узоққа.  
«Ҳеч вақт илинма! — деб тилак тиладик, —  
Ажал йўлга қўйган машъум тузоққа!»

Тузоққа илиндинг: ўққа учдинг  
Дунёдан кўз юмдинг, ажалинг етиб.  
Эшитганман, жигар, тириклигингда  
Душманни қувгансан тору мөр этиб.

Душманни қиргансан нафқат қилмайин,  
Латандан қувгансан ёвуз ёварни.  
Ҳамма қилдинг фашист истеҳкомига,  
Янгиб ўтдаг не-не темир ёвларни...

Аmmo, бир куни дайди ўққа учдинг  
Оламдан кўз юмдинг ажалинг етиб.  
Онагни ёндирдинг ҳижрон ўтида,  
Ою ёиллар дому дараксиз кетиб.

Ҳали ҳам, азизим, сендан дарак йўқ,  
Жигарим, ўдигинг қайларда қолди?  
Жасадингни қайси ўрмондан толай?  
Бир сўзим тупроғинг қайда йўқолди?..

Эҳтимол сендирсан қабрда ётган,  
«Номаълум солдат», деб аталган киши.  
Ҳа, бу тасодифнинг нохуш ўйини,  
Ҳа, бу, ўша сўқир тақдирнинг иши!

Балки, у эмасдир, бошқа оладир,  
Бари бир кимнингдир боласи бўлган.  
Кўшимнинг фарзанди эмас, бошқадир,  
Бари бир кимнингдир боласи ўлган.

Майли, ким бўлмасин «номаълум солдат»  
Бари бир инсондир, инсон боласи!  
Кимнингдир отаси, кимнингдир ёри,  
Кимнингдир кўзининг оқу қораси!

Номсиз йўқолганлар озми урушда?  
Дараксиз кетганлар дараксиз ҳамон.  
Аммо, қурбонларнинг ўзи ўлса ҳам  
Хотираси ўлмас ўтса ҳам замон.

Хабар бериб турар мангулигидан  
Қабрда ёнувчи абадий олов.  
Қўллардан тушмасин урушга қарши  
Миллионлар кўтарган муқаддас ялов!

Ҳеч вақт ва ҳеч ерда, уруш туфайли  
«Номаълум солдат»лар қабри бўлмасин!  
Ҳеч ким ва ҳеч кимнинг азиз фарзанди  
Атом жангларида бевақт ўлмасин!

Қабринг узра ёниб турган оловдан  
Бутун жаҳон ивга таралмоқда пур.  
Ўзинг номаълумсан, аммо, ишларинг,  
Жасоратинг барча оламга машҳур.

Мен сени танийман, номаълум солдат,  
Йўқ, ўлганинг ёлғон! Ёлғондир! Ёлғон!  
Инсонлар қалбига умид қўладириб,  
Сафдасан, жангдасан, жангдасан ҳамон!

1985 йил январь

## ТИНЧЛИК ЙИЛИ

Бу йилни халқаро тинчлик йили деб  
Эълон қилишдилар, жуда ҳам яхши!  
Ҳаёт яшнармиди тинчлик бўлмаса?  
Тинчлик — бу оламнинг, ҳаётнинг нақши.

Бир йилгина эмас, минг йиллар бўйи  
Ер юзиди тинчлик барқарор бўлсин!  
Ақлу идрок, севи ва меҳнат билан  
Дунёга саховат, эзгулик тўлсин!

Ахир, инсоният зўр умид боғлар  
Янги асримизга — тинчлик асрига.  
Дўстлар, омон-эсон кириб борайлик,  
Озод кишиликнинг олтин қасрига!

*1986 йил 13 февраль — 22 май*

## АЛАМНИ НИДО

Освенцимнинг машҳум харобасидан  
Ҳамон эшитилдиб тургандай нидо:  
«Одамлар, эҳтиёт бўлингиз зинҳор,  
Ҳаётдан бемаҳал бўлмагиз жудо!»

Биз, ўша, урушда дараксиз кетган,  
Ўлим лагерида ҳалок бўлганлар.  
Биз, ўша, турли халқ фарзандларимиз  
Минг хил азоб билан юз бор ўлганлар.

Бизнинг бошимизга тушган қора кун  
Сизнинг бошингизга тушмасин ҳеч вақт.  
Бепарво бўлмагиз, қўлдан кетмасин  
Сонсиз қурбон бериб қозонилган бахт!

Бизнинг фожиамиз такрорланмасин,  
Бундай фожиани кўрмаган самон.  
Уша даҳшатларнинг машъум садоси  
Кезиб юрмоқдадир оламда ҳамон.

Фашист деб аталган қонхўр ялмоғиз,  
Бизни юз бор осиб, юз бор отдилар.  
Устихонимиздан ўғит ясашиб,  
Ёғимиздан совун қилиб сотдилар.

Инсон қиёфасин тамом йўқотган, —  
Қутурган кўнпақлар ҳаддидан ошди.  
Теримизни шилиб, қуритиб, ундан —  
Танноз сатанларга сумка ясанди.

Танзимизни ўтга ўтиндай қалаб,  
Тириклай оловда қовуришдилар.  
Даҳшатли печларда ёнлириб бизни,  
Қулимизни кўкка совуришдилар...

Ҳаёт учун жангни сизга қолдириб,  
Бизлар армон билан ўтдик оламдан.  
Тириклар, ёвузлик йўлини тўсиб,  
Дунёни сақлангиз, офатдан, гамдан.

Қотилларнинг қонхўр авлоди тирик,  
Қурра бўйлаб ҳамон изғиб юрибди.  
Башарият уйи — она заминни  
Қонга ботиргани тайёр турибди.

Ҳушёрликни қўлдан берсангиз улар  
Кўкдан туриб Ерни ўққа тутмоқчи.  
Ғафлатда қолсангиз ялмоғиз дажжол  
Она-Ёримизни ямлаб ютмоқчи.

Бизнинг бошимизга тушган қора кун  
Сизнинг бошингизга тушмасин ҳеч вақт!

Бепарво бўлмангиз, қўлдан кетмасин  
Сонсиз қурбон бериб қозонилган бахт!»

Бу нидо кетмагай қулоғимиздан  
Бизни тинчлик учун курашга чорлаб.  
Аминмиз: адолат, ҳаёт ва тинчлик  
Оламга нур сочар қуёшдай порлаб...

*1986 йил 3 август — 2 сентябрь*

## СЕВГИ ҚУШИҚЛАРИ

### ОЛТИН СЕВГИ

Айб эмасдир, севишмоқ. севмоқ,  
Айб эмасдир севгим бэр десам.  
Севгиси хур, толеи баланд,  
Айб эмасдир сени ёр десам.

Айтиб бер, деб, қистама мени,  
Севгимизнинг тарихи узоқ.  
Менинг дилим кабутар бўлди.  
Йўлларига сен қўйдинг тузоқ.

Домингга илинган кабутар  
Юрагини пора қилмади.  
Ўтганлардай зор-зор йиғлаб,  
Толенин дорга илмади.

Ошиқ Фарҳод каби унинг ёши  
Дарё-дарё бўлиб оқмади,  
Кўкрагини босиб азоб, уни  
Ажал ели келиб қоқмади.

Балки у, меҳрибон ҳаётнинг  
Ширин бўсасига йўлиқди.  
Сезилга сазовор ҳислари  
Балоғатга етди, тўлиқди.

Муҳаббатнинг баҳоси йўқдир,  
Бизнинг учун севги фазилаъ.



Севги одат бизнинг кунларда,  
Севги бизга олтин зарурат.

## II

Қарашларинг дилнавоз эди,  
Ғамга дучор бўлмади зарра.  
Ой тўлишган кеча соз эди,  
Бўса бердинг биринчи карра.

Шунда билдим бўсанинг кучин,  
Бўса мени айлади сархуш.  
Уйнаб туриб сочининг учин,  
Енгил тортдим гўёки бир қуш...

Бу бўсада бор эди қуёш —  
Қарорати, май малоҳати.  
Шу бўсадан бошланмишди, ёш  
Ҳаётимнинг бахти, роҳати.

У умримнинг олтин бобига  
Равнақ бериб мунаваар қилди,  
У ишқимнинг гул китобига  
Учмас муҳр бўлиб босилди.

Мен йигитман, сен баркамол қиз,  
Бўса бердинг сафоли тунда,  
Олтин занжир каби умримиз  
Бир-бирига уланди шунда.

Хотиримда: илк бўса бизни  
Ҳалдан зиёд қилмиш эди шод.  
Чунки ўша тақдиримизни  
Қўшиб қўйган эди умрбод.

Шул сабабдан тақдир аталди,  
Илк бўсанинг яқкинчи оти,

Шул сабабдан умрбод қолди  
Лабда ўшал бўсанинг тоти.

### III

Сен биласан Лайлини, Қайсини,  
Бир-бирини қандай севишган.  
Мактабда юрганда, ёшликда  
Бир-бирига ваъда беришган.

Фақат минг афсуски, у чоқларда  
Хукм сураб эди тожу тахт.  
Ошиқ-маъшуқ қанча уринмасин  
Этагини тутқазмаган бахт.

Севги дарёсида тош бўлиб,  
Хусусий мулк, тенгсизлик ётди,  
Қанча ошиқ урилиб тошга,  
Хароб бўлди, дарёга ботди.

Мажнун тушган сеvgи кемаси ҳам  
Ҳалок бўлди урилиб тошга.  
Қанча мажнун зор-зор йиғлаган,  
Утганларнинг тақдири бошқа.

Бизда сеvgи пулга сотилмас,  
Ёлғиз кўнгил унинг баҳоси,  
Риёкор турмушнинг чангалидан  
Қутқазилган ошиқ ёқоси.

Агар кўнгил, кўнгилга тушса,  
Шу ўзи бас, йўқдир ҳеч тўсиқ.  
Тамагир совчисиз, ошиққа  
Ўзи айтар кўнглини маъшуқ.

Утганлар дейдилар ошиқларнинг  
Лабларида фақат зори бор,  
Бизнинг мамлакатда ҳар ошиқнинг  
Узи севиб олган ёри бор.

1936 йил 14 июль

## ТОНГГИ БУСА

### I

Бугун эрта туриб тонгни кўрдим  
Оқ шоҳи рўмоли бонида.  
Уфқ кийинтириб, гўзал фалак,  
Сочини тарайди қошида...

Суқланиб қардим тонгнинг юзига,  
Бир қарашда оппоқ шоҳига ўхшар.  
Бир қарашда мраммар... бир қарашда зар,  
Бир қарашда эса садафга ўхшар!

Тонг ажойиб бир пайт, тенги йўқ ҳусн,  
Гўзал табиатнинг дилбар лавҳаси...  
Иил — китоб, ҳар кундуз ундан бир варақ,  
Тонг эса варақнинг гул сарлавҳаси.

Табиат саҳарда мисли бир ғунча,  
Тонг эса ғунчанинг очилган чоғи,  
Ёки тахмин қилинг: табиат бир қиз,  
Тонг эса у қизнинг мраммар ёноғи.

Тонгнинг тасвирига ранг бисотидан  
Энг ёрқин, энг гўзал мато сайладим.  
Чунки тонг саодат ва нур келтирар,  
Унга илҳомимни ҳадя айладим.

## II

Хўрозлар қичқирди узоқ-яқиндан,  
Оҳиста бўзарди кечанинг туси.  
Минг жилва билан кўтарилди тонг,  
Гўё қанот ёзди эрам товуси.  
Тонгни кўриб, ҳиссим, ҳаяжонларим,  
Баҳор қушларидай қанот қоқдилар.  
Ажойиб лавҳалар, саз манзаралар  
Товлана-товлана, секин оқдилар.  
Тонг қушлари куйлаб севгидан, бахтдан,  
Дилга эзгу бир ўт ёқиб ўтдилар,  
Ўйноқ шабадалар: «Юр биз билан» деб,  
Деразаларимни қоқиб ўтдилар.  
Бошимни чиқарсам деразамдан мен,  
Улар сочларимни тараб ўтдилар,  
Кетар чоғларида сўнгги юлдузлар  
Эгилиб, юзимга қараб ўтдилар.  
Мен эса кузатдим тонгни бахтиёр,  
Севинч жўш урарди чалган куйимда.  
Чунки сазлар эди сазимни гул бахт,  
Чунки меҳмон эди шодлик уйимда.

## III

Водийлардан кўтарилган тун,  
Ҳали мудрар чиқа олмай кун,  
Қўшиқ айтиб ўтар ўғиллар, қизлар,  
Қўшиғига саодат мазмун.  
Бири фабрикага, бири мактабга,  
Бири кетар пахтазорига,  
Иўлда кета туриб бири кулар,  
Бири бўса берар ёрига...  
Дарак топиб тонгни бўсадан  
Яйрар, тўлар чечак отган ҳис...  
Димоғларга урилар, ўйнар  
Сархуш қилар ел таратган ис.

## IV

Нега шунча гўзал кўринар олам!  
Нега қараб тўймас кўзларим?  
Нега жўш уради, кўпиради қон?  
Нега мисдай қизар юзларим?  
Нега ҳаяжонда туйғулар, ҳислар?  
Нега лабларимда кезар табассум?  
Кўнгил гулзорига тинмасдан нега.  
Чексиз севинч келтирар ҳар зум?  
Нега имо қилар гўзал табиат?  
Нега чақиради ёнига?  
Нега шунча ўйнар, типирлар юрак?  
Нега шодмен? Айтингиз, нега?

Мия асл баҳосиз кўзгу,  
У кўзгуда акс этар ҳаёт.  
Ҳаёт гўзал, ҳаёт мароқли,  
Шунинг учун эрка кўнгил шод.

*1936 йил 1 август*

## ЖАФО ҚИЛМА

Тарк этма назокатни, хулқингга жафо қилма,  
Иззатни бериб елга, беҳуда сафо қилма.

Умрингни хароб этма ўтқувчи ҳавас бирлан,  
Ишқ бошқа, ҳавас бошқа — бу йўлда хато қилма.

Рухсори гўзалларга одобу илм лозим,  
Инсоний камолотни ҳуснингга бино қилма.

Сен сози муҳаббатсан, гулшанда гули раъно,  
Ишқингни кўча-кўйда юргувчи гадо қилма.

Уйгонди чаманларда, чок этди яқо булбул,  
Куйдирма у шайдони, бас энди наво қилма.

Ноз этма, садоқатли ошиққа тараҳхум қил,  
Кўнглига гараз тўлсин, номардга имо қилма.

Одоби гўзалларнинг санъатда топар равнақ,  
Санъатга хилоф ишни руҳингга ғизо қилма.

Ёд айла, гаҳи Уйгун исмингни баён этди,  
Шеърингга қилиб маржон, сен унга жафо қилма.

*1943 йил 13 апрель*

### КЕЛАДИ

Қалбингда ётса ҳам бир дунё алам,  
Қалбингни букса ҳам олам-олам ғам,  
Бошингга айрилиқ солса ҳам соя,  
Кўнглинг гаш бўлса ҳам биллониҳоя,  
Сочинг оқарса ҳам ҳижрон туфайли,  
Юзларинг заъфарон бўлса ҳам, майли,  
Онажон, кўзингдан оқизма кўп ёш.  
Айрилиққа чида, айлагил бардош.  
Келади, соғинган норинг келади,  
Келади шарафинг, оринг келади.

Балки хат олмасдан анчадан бўён.  
Қалбингни босгандир минг турли гумон.  
Узун кечаларни ўтказиб бедор,  
Ғоят зориққандир гулдайин дийдор.  
Юрагингга тўлиб зардоб ва қон,  
Кунбўйи емасдан бир бурда ҳам нон,  
Томоғингдан ўтмай бир қултум ҳам сув,  
Кўнглингни забт этиб шубҳа ва қўрқув,  
Балки саҳарларда нола қиларсан.

Фақат шубҳанинг ғалат, кейин биларсан,  
Хати келмаса ҳам ўзи келади,  
Енинга қайтадан қўзи келади.  
Балки кўпдан бери дарак йўқ учун,  
Тоғдай бардошининг синдириб кучин,  
Аза очгандирсан ўлди, деб уни,  
Кузти гуллар каби сўлди, деб уни,  
Соқларингни юлиб, кўтариб фарёд,  
Кўтариб фалакда аччиқ-аччиқ дод,  
Устинга кўк кийиб йиғлагандирсан,  
Мотам-ла кўксингни тиглагандирсан,  
Аммо беҳудадир изтиробларинг,  
Беҳудадир, она, бу азобларинг,  
Аза тутма, бўлди, йиғилардан кеч!  
Мотамингни бас қил, кўк либосин еч!  
Фашистни ўлдириб, соғ ва саломат,  
Чексиз гурур билан кўтариб қомат,  
Ўлдига чиқарган боланг келади,  
Гўзал бўстониинга моланг келади.

Сабр айла, дейдилар, бесабр шайтон,  
Келади шубҳасиз, соҳиби майдон,  
Қасд қилган паст бўлсин, душман ўлсин деб,  
Ўғлим, баҳодирим омон бўлсин деб,  
Яхши тилак тила, яхши ният қил,  
Болангнинг меҳрига лим-лим тўлган дил  
Мусаффо сақлансин қайғу доғидан.  
Шубҳаларни ҳайда, кўнгил боғидан.  
Синдирма, сабрнинг пиёласини,  
Гумонларга тўлган дил хонасини  
Умид чироғида мунаввар айла,  
Ғайрат камарини белинга бойла.  
Ўғлимга деб ўстир янги бўстонлар,  
Йилларнинг меҳнатин бажарсин онлар,  
Ўғлим келади деб бўлгину хуррам.  
Ўйинга тўшагил қип-қизил гилам,

Қават-қават қилиб кўрпачалар соя,  
Боламга, деб асра луқмаи ҳалол.  
Шифтга қатор-қатор узумларни ос.  
Жигаргўшанг учун, ўглинг учун хос,  
Асл меваларни ажратиб қўйгил,  
Танлаб-танлаб семиз қўйларни сўйгил,  
Ев тамом бўлди деб келганда хабар,  
Муяссар бўлганда муқаддас зафар,  
Москва сўнгги бор салот берганда,  
Қизлар ғолибларга чечак терганда,  
Буйруқ берганида Олий Қўмондон,  
Кўзлари мунаввар, юзлари хандон,  
Кифтида ялтираб тилла поғони,  
Оламни тўлдириб, дабдаба, шони,  
Арғумоқ ўйнатиб, мағрур, бахтиёр,  
Қайдасан она, деб, қайда деб диёр,  
Келади музаффар соҳибқиронинг,  
Келади, онажон, кўришар онинг.

*1944 йил 6 январь*

## БАРИ БИР СЕВАМАН

«Мен сени хўп биламан  
Кўнглинг менга мойил эмас».

(«Халқ қўшиғи»)

Гарчи кўнглинг мойил эмасдур,  
Аммо гул келтирдим атайлаб сенга,  
Мақтадим: шу гуллар ҳурмати, зора,  
Меҳру муҳаббатинг кучайса менга.

Зорим бор, зўрим йўқ! Истасанг сабот —  
Кўрсату ёнимда ўлтир бир нафас.  
Истасанг гулимни ғижимлаю от,  
Қолсин йўлларингда мисоли бир хас.



Бари бир севаман сидқидил билан;  
Ишқинг менга ҳаёт бергувчи қуёш,  
Шул сабаб севиниб мурувватингдан,  
Қаҳру ғазабингга қиламан бардош.

1944 йил 17 март

### АГАР СЕВАР БЎЛСАНГ

Муҳаббат сўз билан изҳор этилмас,  
Сўз бу вазифани ўташдан йироқ.  
Не ҳам қила олур қуёш олдида,  
Липиллаб ёнувчи, ожиз жинчироқ?

Мен севгимни сенга изҳор этгали  
Қўлга шамшир олиб ўтга кирдим бот,  
Жондан азиз кўрган муҳаббатимни,  
Қоним билан жангда айладим исбот.

Сен ҳам одилона қилурсан жавоб,  
Агар севаб бўлсанг мени, гўзал моҳ,  
Кузда мўл ҳосил ол, пахтазорингдан,  
Шу бўлсин оташин ишқингга гувоҳ.

1944 йил 18 март

### ЮРАГИМНИ БЕРИБ КЕТСАНГ БАС

Учрадинг у гулзор ичида,  
Кулимсираб бошладинг йўлга.  
Шу ондаёқ ишқингни бериб,  
Юрагимни олибсан қўлга.

Шу ондаёқ айланди бошим,  
Шу ондаёқ бўлдим паришон.  
Шу ондаёқ ўртанди таним,  
Қайдан келдинг, эй, офатижон?

Энди билсам кетар эмишсан,  
Мени ташлаб белгисиз ёққа.  
Мени потинч этар эмишсан,  
Дучор қилиб ачкиқ фироққа.

Ихтиёринг, майли, йўл бердим  
Юрагингга севинч солиб кет.  
Нимаики хуш келса кўнглингга,  
Тортинмагил, майли, олиб кет.

Олиб кетгил боғимни буткул,  
Қолдирмагил ҳатто хору хас.  
Олиб кетгил боримни, фақат  
Юрагимни бериб кетсанг бас.

*1944 йил 6 октябрь*

## КЕТАР

Кетса инсоф, одабийлик бошда виждондан кетар,  
Нафси бад одам қулаб кетса жигилдондан кетар.

Яхшилик яхши одамдан дунёда мангу қолур,  
Ўлса номард довруғи бир зумда даврондан кетар,

Бермагил ёрингга озор маънисиз гаплар билан,  
Бермасанг тинчлик агар булбул гулистондан кетар.

Қўрқаман ҳажрингда оҳ урмакка, оҳ урсам агар,  
Тоб беролмасдан қуёш, ҳовримга осмондан кетар.

Эҳтиёт бўл: оила, бахт, севги қўлдан кетмасин,  
Кетмасин бир омадинг, бир кетса ҳар ёндан кетар.

Тўғри сўзла, тўғри ёз, шоир, ҳақиқат изласанг,  
Борди-ю, ёлгонни ёзсанг маъни дostonдан кетар.

Қанча неъмат бўлса дастурхонга қўй дўстлар учун,  
Уйлама сарфингни, Уйғун, кетса ҳамёндан кетар.

*1970 йил 18 август — 5 сентябрь*

### МУБТАЛО БЎЛСАМ КЕРАК

Кетди Лайлим ҳажрида мажнуннамо бўлсам керак,  
Минг азобу минг жафога мубтало бўлсам керак.

Гул бўлиб очилди дилзорим ҳаёт бўстонида,  
Энди гул юз ишқида булбулнаво бўлсам керак.

Айрилиқ дардига чора ахтариб борган эдим,  
Қувлади даргоҳидин, ёр, бедаво бўлсам керак.

Бахту икболим ўзингсан, илтифот кўргаз десам,  
Бир назар ҳам солмади, бахти қаро бўлсам керак.

Жону тан, бору йўғимни ол, десам, рад айлади,  
Энди жону, бору йўқдин мосуво бўлсам керак.

Бир табассум, бир боқиш, бир бўса — бир эҳсон  
тилаб,  
Ул париваш кўйида юз йил гадо бўлсам керак.

Дилбаро, деб жондин айрилган ҳам, ишқ кўкида  
Мангу этраб қолгучи аксисадо бўлсам керак.

Ишқ йўли хавфу хатарли, ўйла, Уйғун, дейдилар,  
Уйламай бу йўлга кирдим, бир бало бўлсам керак.

*1968 йил 25 май — 9 декабрь*

## ҲАР КИМ ЎЗ ЕРИ БИЛАН

Бахтиёр бўлсин вафодорлар вафодори билан  
Айшини сурсин умрбод бирга дилдори билан.

Қанча севгинг, қанча меҳринг бўлса ўз ёрингга бер,  
Кўз уриштирама ҳаёсиз ўзгалар ёри билан.

Марҳамат қил ошиғингга етса ҳам кўкка бошинг,  
Ташна чўлни қондирур тоғ бошдаги қори билан.

Танласанг ёр танла, ишқингга муносиб, бўлма дўст  
Бевафолик қилгали ҳар дамда тайёри билан.

Бевафолар бевафолар бирла ҳамдамдир мудом,  
Тил топишса не ажаб, сайёра сайёри билан?

Панд берур бир кун эмас, бир кун сенга, ҳеч  
шубҳасиз,  
Бўлмагил сирдош одамнинг пасту айёри билан.

Кўз олайтирмоқ уят, Уйғун, бўлақлар ёрига,  
Бахтиёр бўлсин жаҳонда ҳар ким ўз ёри билан.

*1969 йил, 8 январь*

## СОҲИБЖАМОЛ

Шодлигим оламга сиғмас, боиси сен жонгинам,  
Бир кўриб бўлдим асиринг жонгинам, жононгинам.

Очилиб, гул-гул ёниб, ёндиргали келганмидинг,  
Сарвиноз, қоши ҳилолим, юзлари бўстонгинам.

Ҳар сафар бўлган муаттар сен юриб ўтсанг чаман,  
Зулфи хушбўй, анбарафшон, сунбулу райҳонгинам.

Сен кулиб боқсанг мунаввар бўлгуси жумла жаҳон,  
Нурга тўлдирдинг кўзимни, кўзлари чўлпонгинам.

Айла парвоз санъат осмонига, ҳеч кўрма завол,  
Бўйи-бастингга тасаддуқ, лаблари хандонгинам.

Нуридийдам, меҳрибоним, тенги йўқ соҳибжамол,  
Хаста бўлсам ишқ йўлида дардима дармонгинам.

Айтаман юз минг тасанно санъатингга, кўп замон  
Давру давронлар сурасан соҳиби давронгинам.

Маҳлиёдир, шоир Уйғун, санъатингга беқиёс,  
Бебаҳо нозик адосан, булбули хушхонгинам.

*1985 йил 25 август — 20 октябрь*

### ДИЛРАБОЛАР БЎЛМАСА...

Бу жаҳонда не қилардик қоши «ё»лар бўлмаса?  
Не қилардик айт-чи, дилбар, дилраболар бўлмаса?

Ҳукмрон бўлмас эди меҳру муҳаббат дунёда,  
Меҳримизни тоблаган меҳригиёлар бўлмаса.

Қайси куч боғлаб турарди бизни бу олам аро  
Бизни тортиб тургувчи оҳанраболар бўлмаса?

Кўнглимда равшан бўларми, кўзда нур ўйнармиди  
Васл айёмин ёритган маҳлиқолар бўлмаса?

Нагмаю соз завқини роҳат қилиб тинглаш қийин,  
Боғ аро ширин наво, нозик адолар бўлмаса.

Бўлмас эрди дунёда Мажнуну Фарҳод — аҳли ишқ,  
Бу жаҳонда Лайливаш, Шириннамолар бўлмаса.

Уйғуно, ошиқ етарди васлига маъшуқанинг  
Аҳдини бузгучи бебурд, бевафолар бўлмаса...

*1985 йил 20 октябрь*

### МУДДАОЛАР БЎЛМАСА...

Гулламас боғлар Қуёш сочган зиёлар бўлмаса,  
Бўй таратгайму чаман эсган саболар бўлмаса.

Дунёда инсон ҳаёти бесамар ўтгай, агар  
Кўнглида орзу-ҳаваслар, муддаолар бўлмаса.

Топилар эрди жаҳонда барча дардларга даво,  
Минг даво ҳам қилмагай кор, бедаволар бўлмаса.

Еру кўкни ўққа тутмоқ қасдида шовқин солиб,  
Довдираб юрган жаҳонда рўданолар бўлмаса!

Олам ичра қон тўкиш, мудҳиш уруш, қирғинбарон,  
Кўрмаган кўз кўргулик, жабру жафолар бўлмаса!

Уйғун истар: ерда тинчлик барқарор бўлсин мудом,  
Дунёда хору харобу, бедаволар бўлмаса!

*1985 йил 21 октябрь*

### КОЛХОЗЧИ ҚИЗГА

Омадинг келмиш, азизим, элда топдинг эътибор,  
Ёшлигингдан севги уйғотмиш дилингда пахтазор.

Лафзига содиқ одамлар сендан олсин дарсини,  
Меҳнатингдан айланур олтинга ерда неки бор.

Толеинг бўлмиш баланд, орзуларинг порлоқ сенинг,  
Ҳеч қачон қувноқ дилингда қўнмасин зарра губор!

Ихтиёринг: истасанг урфон кўкида бўл қуёш,  
Истасанг меҳнатда жавлон ур, ўзингда ихтиёр.

Нурли йўл тушган йўлинг, бу йўл муродга етказар,  
Бу мунаввар йўлда сенга яхшилар бўлғуси ёр.

Оқибат қадрингни тошдинг, элда ҳур меҳнат билан,  
Бўлди унвонинг миришкор, бўлди номинг пахтакор.

Йўлларингга гул сочилсин, дейди Уйғун, дунёда,  
Кимки меҳнат бирла топса қадрини бўлмайди хор...

*1985 йил 22 октябрь — 9 декабрь*

### **ЁМҒИР ЁҒАЯПТИ...**

Ёмғир ёғаяпти шивирлаб, майин,  
Ҳаммаёқ шалаббо, бошдан-оёқ нам.  
Ёмғир томаяпти, киприкларингга,  
Хўл бўлди лоладай ёноқларинг ҳам...

Хўл кўйлак танангга чиша ёпишди  
Қадди-қоматингни кўрсатиб яққол.  
Кўксинг бўртиб турар оҳиста қалқиб,  
Ҳуснингга етмасин ҳеч қачон завол!

Тинмай ёғаётган ўжар ёмғирнинг  
Салқини урилар гулдай юзингга.  
Негадир лабингда майин табассум,  
Гўзал кўринади олам кўзингга.

Эҳтимол жўш урар кўнглингда шодлик,  
Эҳтимол, қалбингдан узоқдадир ғам...  
Ёдимда қолади шу сафоли пайт,  
Хотирамдан чиқмас шу сеҳрли дам...

Шу чоқ кўзларингга термулиб турдим,  
Сахро лоласидай ёмғирда қолдинг...  
Етилган, баркамол, дуркун гўзал қиз  
Ўтган ёшлигимни ёдимга солдинг...

*1985 йил 9 декабрь*

### СЕНИ УНУТМАЙМАН

Сени унутмайман... унутолмайман.  
Сен, ўша, қалбимга гулгула солган.  
Сен, ўша, баҳорим, лолаюзлигим,  
Сен, ўша, бир боқиб кўнглимни олган.

Унутишим мумкин ўзимни, аммо,  
Сени унутмайман, қоракўзлигим.  
Сен, ўша дилимда абадий қолган,  
Сен, ўша, шакарлаб, ширинсўзлигим.

Сени унутмоқлик — кечмаклик жондан,  
Сени деб дунёда юрибман, жоним.  
Мушкулларга қарши кўксимни кериб,  
Мустаҳкам қоядай турибман, жоним.

Сен билан ҳаётим гуллар абадий,  
Сен менинг гурурим, шавкатим, шоним.  
Сен мени дунёда ушлаб турувчи,  
Сен менинг таянчим, бахтимсан, жоним.

*1986 йил 17 февраль*

### РУХСОРИ ОЛ ЭКАНСИЗ...

Рухсори ол экансиз, қоши ҳиллал экансиз,  
Дунёга донғи кетган соҳибжамол экансиз.



Агарда сўзласангиз гунча даҳонингиздан  
Шаҳду шакар тўкилгай, лаблари бол экансиз.

Нуқсон тополмадим ҳеч ҳусну жамолингиздан,  
Ҳусну жамолда якто ва баркамол экансиз.

Ошиққа меҳру шафқат кўргазгали дамо-дам  
Аҳду вафода содиқ, лафзи ҳалол экансиз.

Гулчеҳраларга мансуб иболи кўз қарашлар,  
Гўзаллик оламида нозикниҳол экансиз.

Аён фазилатингиз Уйғунга бўлди маълум,  
Ишқ гулшанида боқий ва безавол экансиз.

*1986 йил 2 апрель — 6 июнь*

### ҚАЁҚДАНАМ УЧРАТДИМ СЕНИ...

Эвоҳ, қаёқданам учратдим сени.  
Энди азобини тортмоқдаман хўб,  
Мени тузоғингга туширмоқ учун  
Ғамзаларниг бисёр, ишваларниг кўп.

Олиб кўйдинг тамом ихтиёримни,  
Бир дам ололмайман кўзимни сендан.  
Кулиб, қиё боқиб, ўтларга ёқиб,  
Не истайсан, жоним, гўзалим, мендан?

Қарамайин дедим, кўрмайин дедим,  
Аммо, сен томонга тортилар кўзим.  
Нима бало бўлди? Не бўлди менга?  
Билолмайман ўзим... Билмайман ўзим...

Ё ўша, севги деб аталган қудрат  
Тортиб турармикан ўзига мени?

Ҳаловатим, тинчим тамом йўқолди, —  
Эвоҳ, қаёқданам учратдим сени!..

1986 йил 8 июнь — 2 сентябрь

### МАЛОҲАТИНГНИ БИЛСАМ...

Лоқайд қолармидим ҳеч малоҳатингни билсам?  
Тинчингни бузмас эрдим ҳаловатингни билсам.

Бахту саодатингни истар эдим ҳамиша,  
Бахтим қуларди, жоним, саодатингни билсам.

Ишон: онтимда лоф йўқ, ишқингда мен умрбод,  
Содиқ бўлиб қолардим, садоқатингни билсам.

Мардонавор турардим кўкрак кериб сафингда,  
Жангу жадалда мардлик, жасоратингни билсам.

Дўстликни ҳаммадан ҳам афзал билар экансан,  
Дўстинг бўлиб қолардим шу одатингни билсам.

Одил баҳо берардим ҳар бир ишингга мен ҳам,  
Агар одиллигингни, адолатингни билсам.

Қалбимни дори айлаб малҳам қўяр эдим тез,  
Ҳижрон ўқи яратган жароҳатингни билсам.

Улимдан ҳам огирдир баъзи жиноят, сендан  
Юз карра юз ўгургим жиноятингни билсам.

Дунёда энг ёмон иш ўз халқига хиёнат,  
Олий жазо берардим хиёнатингни билсам.

Бахту саодатингга Уйғун бўлиб қолардим  
Меҳру муҳаббатингни, иноятингни билсам.

1986 йил 17 август

## АДАШГАН АЕЛГА...

Қилар ишни қилиб қўйиб, хўш,  
Нега энди йиғлайсан тўйиб?  
Нега энди кўча-кўйларда  
Юрмоқчисан девона бўлиб?

Тош отибди бағри тош «ошиқ»,  
Дил шишаси чил-чил синибди.  
Кўз ёшларинг, адашган «маъшуқ»  
Емғир каби ерга инибди.

Қайта бутун бўлиши қийин  
Ҳақоратдан парчаланган дил.  
Аммо, энди оҳлар фойдасиз,  
Энди бу ёғини ўйлагил.

Ҳа, азизим, ўтдек куйибсан,  
Тушиб бевафонинг қўлига.  
Бўлолмабсан аҳтиёт, «ошиқ»,  
Бошлаганда севги йўлига.

Суриштирмай-нетмай ўзингни  
Ениб турган ўтга урибсан.  
Ана энди сохта севгининг  
Азобини тортиб юрибсан.

Нега учдинг, суриштирмасдан  
Муғомбирнинг ширин сўзига?  
Ҳа, унақа шилқим «ошиқлар»  
Қурбон излаб юрар ўзига.

Мана, сен ҳам бепарво бўлиб  
Бевафога қурбон бўлибсан.  
Ана, энди ҳаётдан безиб,  
Ғаму ғуссаларга тўлибсан.

Лекин қандай бўлмасин, инсон  
Гуссаларни енгиши лозим.  
Ҳаёт учун доно одамлар  
Бўла олсин яхши мулозим.

«Куйдирмагил кўрпани ҳеч вақт  
Аччиқ қилиб бургага!» мақол.  
Ҳар қанақа вазиятда ҳам  
Ҳаётингга содиқ бўлиб қол.

Сабру тоқат, чидам-ғамлардан  
Қутулишнинг ўткир яроғи —  
Ҳеч қачон сўндирма, ўнмасин  
Қалбингдаги умид чароғи.

Ҳаёт ширин, етгил қадрига,  
Қайғуларни улоқтириб от!  
Инсон учун ёруғ дунёда  
Бир мартаба берилар ҳаёт.

*1985 йил 28 январь*

# ФАЙЛАСУФНИНГ АЙТГАНЛАРИ

## ОНА-ЕР

Эски ақидани қувватлаб, Ерни —  
Оламнинг маркази дегим келади.  
Бутун эътиқодим, идроким билан  
Курранинг ғамини егим келади...

Тўғри, инсоният кўпдан билади:  
Галактикамизнинг маркази Қуёш.  
Абадий барқ уриб кезиб юрувчи  
Сайёралар учун Қуёш эрур бош.

Аёндир борлиқнинг чегараси йўқ,  
Ер чексиз, оламда кичик бир зарра.  
Аммо, бу ажойиб, тирик мўъжиза  
Биз учун сеvimли, азиз минг карра!

Бу ҳаёт манбаи, мавжудот қасри,  
Космос бошига қўндирилган тож!  
Ҳа, азиз Еримиз оламда якто,  
Севги, ҳимояга азалдан муҳтож.

Барча жонлиларнинг олтин бешиги,  
Сайёралар аро тирик сайёра,  
Тилагимиз азиз, Она-Еримиз  
Бахтимизга абад яшаса зора...

Шу эзгу тупроққа, ерга тўкилган  
Туфилганимизда киндик қонимиз.

Шу ерга сочилган ризқу рўзимиз,  
Шу ерда мавжуддир ошу нонимиз.

Гулдаги мусаффо шабнамдан тортиб  
Тоғу тош, дарёлар, ўрмонларгача,  
Далалар, майсалар, кумуш ирмоқлар,  
Боғлар, поёни йўқ океанларгача.

Довуллар, саҳролар, кўллар ва чўллар,  
Укирган булутлар, чақнаган чақин,  
Ҳаммаси биз учун қадрдон, азиз,  
Ҳаммаси муқаддас, биз учун яқин...

Шу ерда туғилган ҳаёт, тириклик,  
Шу Ерда башарнинг эзгу диёри.  
Она-Ерни сақлаш бало-қазодан  
Азиз инсонларнинг қатъий қарори!

Қандайдир оқпадар, ярамас зотлар,  
Қасд қилиш пайида Еرنинг жонига.  
Ердаги ҳаётни тамом сўндириб,  
Уни беламакчи инсон қонига!

Ҳушёр бўлинг, дўстлар, гафлатда қолманг!  
Евуз ниятларга йўл қўйиб бўлмас!  
Аминмиз: бор экан яхши инсонлар  
Еримиз абадий яшайди, ўлмас!

*1985 йил 18 февраль — 2 март*

## НАВБАҲОР

Ўлкада бошланди баҳор байрами,  
Ялпиз униб чиқди ариқ бўйига.  
Ҳамма нарса тайёр, бари муҳайё  
Гулбаҳоримизнинг кўркам тўйига.

Ерларга тўшалди майсадан гилам,  
Қирларда «ёқилди» лолалардан шам.  
Гўзаллик, ҳаловат, осойишталик,  
Гинчлик, бахт, мурувват бўлди жамулжам.

Худди яшаргандай кўринар дунё,  
Гулдан либос кийди гўзал табиат.  
Баҳор гул очмоқда қора тупроқдан,  
Яна такрорланар мўъжиза, санъат.

Уста табиатнинг ишхонасида  
Минг хил мўъжизалар бўлмоқда пайдо.  
Келиндай ясанди чаманлар, боғлар,  
Бахтли инсонларни қилгали шайдо.

Самони тўлдириб ҳар хил оҳангда  
Ҳаётни мадҳ этиб, сайрашар қушлар.  
Тоғдан шалолалар кўпириб тушар,  
Ирмоқларга сигмас «оқар кумушлар»!

Чақмоқ ярқирайди, гулдирар ҳаво,  
Юз хил товланади рангдор камалак.  
Байрам, тантаналар сайилгоҳларда,  
Дошқозонда қайнар хушбўй сумалак.

Тўкин-сочин, сахий дастурхонларда  
Кўз ўйнатиб турар нозу неъматлар.  
Ўйин-кулги, қўшиқ, лалар айтишиб  
Кўнглини шод этар дўстлар, улфатлар...

Борлиқни фарқ этиб нурига Қуёш  
Покиза, мусаффо осмонда порлар.  
Очилиб, сочилиб, жўш уриб баҳор  
Меҳнаткашни дала қўйнига чорлар.

Баҳорда иш қизир, меҳнат садоси  
Дала-тузни тамом қоплаб олади.  
Баҳор голибларнинг қайноқ қалбига  
Жасорат солади, илҳом солади.

Баҳор гўзаллиги фақат гул эмас,  
Инсон меҳнатидан бўлур гўзал, бой.  
Ҳалол меҳнат билан ҳазрати инсон  
Баҳор чиройига қўшади чирой.

Инсон қўли гул деб, бекор айтмаган,  
Дунёни гуллатар меҳнаткаш инсон.  
Инсон табиатдан олур, ўзи ҳам  
Она табиатга беради эҳсон...

Баҳор чорламоқда гафлатда қолманг,  
Далада тер тўкиб ишламак пайти.  
Улуғлар баҳорни, инсон шонини,  
Меҳнатни, тинчликни шоирнинг байти.

Баҳордан бошланар кузнинг бойлиги,  
Олтин хазинанинг баҳордир боши.  
Меҳнатга чорлайди тез ўтар кўклам,  
Меҳнатга ундайди баҳор қуёши.

Баҳорда иш унса — кузда барака,  
Фурсат кетса қўлдан бойлик ҳам кетар.  
Меҳнатга ўрганган меҳнатсевар халқ  
Меҳнатингга қараб қадрингга етар.

Баҳорнинг бир куни — бир йилни боқар, —  
Деган яхши гап бор, — халқ билиб айтар.  
Баҳорда тўкилган ҳар томчи теринг  
Кузда олтин бўлиб ўзингга қайтар.



Шу баҳор, шу тинчлик, шу гўзалликка,  
Шу бахтли ҳаётга завол етмасин!  
Ҳеч қачон урушқоқ ёвуз одамлар  
Она табиатни хароб етмасин!..

1985 йил 15 март

## ОНА ТАБИАТ

Азалдан меҳрибон она табиат  
Сахий қучоғини очиб қўйибди.  
Биз учун ҳисобсиз бойликларини,  
Нозу неъматини сочиб қўйибди.

Кўз қамашар сонсиз нозу неъматдан  
Кезганингда сахий водийлар бўйлаб.  
Аммо, ҳамма нарса ҳисоблик, олсанг  
Инсоф билан олгил, сўнгини ўйлаб.

Агар, оқилона иш тута билсак  
Биз ҳам тўқ бўламиз, табиат ҳам тўқ.  
Она табиат ҳам анойи эмас,  
Берганга беради, бермаганга йўқ!

Табиатни шилма, очкўзлик билан,  
Бир тонна бериб қўй бир грамм олсанг,  
Ҳар қандай бойлик ҳам тугаши мумкин,  
Олдини олмасанг, гафлатда қолсанг.

Аввал табиатни тўйдириб қўйгил,  
Кейин унда олгил ризқу рўзингни.  
Юлғичликдан сақлан, очкўзликдан қоч,  
Исрофгарчиликдан тийгил ўзингни.

Очкўзлик, юлғичлик авжига чиқса  
Она табиатни қуритар, шаксиз.

Узоқни кўзлаган оқил инсонлар  
Тадбиркорона иш юргизар, шаксиз.

Ахир, бойликнинг ҳам чегараси бор,  
Қамайиб кетади қўшиб турмасак.  
Охири кўн хушук бўлиши мумкин  
Бойликларга бойлик қўшиб юрмасак.

Меҳрибонлик билан, муҳаббат билан  
Она табиатга қучоғингни оч!  
Ҳар нарсага қодир, қудратли дема,  
Она табиат ҳам ёрдамга муҳтож.

Табиат бағрига ёв бўлиб кирма,  
Дўст бўлиб кир инсон, одобни сақлаб.  
Инсон деган улуғ номни оқлагил,  
Она табиатни қўриқлаб, ёқлаб.

Ножўя ишлардан атроф-муҳитга  
Заррача ҳам зиёи-заҳмат етмасин.  
Парваришсиз қолган тариб боғлардан  
Зада бўлиб қушлар учиб кетмасин.

Бизларни қондириб обиҳаётга  
Оқиб ётсин тоза, кумушдай сувлар.  
Қулоқдан кетмасин булбуллар товши,  
Саҳроларда юрсин гала оҳулар.

Юксак чўққилардан, учиримлардан  
Пастга санчиб оқсин шўх шалолалар.  
Кўзни қувонтириб очиланб ётсин  
Қиру адирларда қизил лолалар.

Ноёб ўсимликлар, ҳайвонлар номи  
Тушавермасин-да «Қизил китоб»га!  
Экисини сақлаб, янгиларини  
Парвариш қилайлик келтириб тобга.

Она табиатнинг ҳуснига ҳуси,  
Бойлигига бойлик қўшиб юрайлик.  
Уни офатлардан қўриқлаб, сақлаб,  
Ҳаммавақт, ҳар ерда ҳушёр турайлик.

1986 йил 16 июнь

## О Р О Л

Орол қуришти, дарди кўн оғир,  
Тополмай ётибмиз, дардига даво.  
Агар шу зайлда кетса атрофда  
Иқлим ўзгаради, бузилар ҳаво.

Асрлар Оролга сув бериб келган  
Аму билан Сирнинг тўсиқди йўли.  
Орол Амусидан ажарлиб қолди,  
Бу ишда бор, шаксиз, инсоннинг қўли.

Насослар ўрнатиб, каналлар қазиб  
Аму сувларини ҳар ёққа тортдик.  
Амуни тушовлаб, «хомталаш» қилиб,  
Унга ҳаддан зиёд оғир юк ортдик.

Азим дарёлардан вақти келганда  
Чўлларга сув олиш зарурми? — Зарур!  
Обиҳаёт келди кўҳна бўзларга,  
Саҳролар гул очди, нур устига нур.

Қанча-қанча ерлар ўзлаштирилди  
Аму сувларининг шарофатидан.  
Қанча-қанча воҳа қутулиб қолди,  
Сувсизлик балоси ва офатидан.

Бугунни ўйлаймиз: Она-Еримиз  
Ҳусну латофатга яна бой бўлсин.

Ватаннинг ҳар бурчи, ҳар бир даламиз  
Жаннатда бергусиз гўзал жой бўлсин.

Аммо, фақатгина бугунни ўйлаб,  
Эртани унутиш мутлақо хато!  
Келгуси авлодлар, набираларга  
Мавж урган кўлларни қилайлик ато!

Тўғри, дарёлардан сув олиш керак,  
Фойдаланиш лозим, зарур, албатта.  
Аммо, оқилона иш тutilмаса,  
Оқибатда унинг зарари катта.

Баъзи алломалар, ирригаторлар  
Ҳисобдан янгилиб кетмадимикан?  
Пухта ўйланмасдан қилинган ишлар  
Оролнинг бошига етмадимикан?..

Не-не машаққатлар билан олинган  
Қанча сув ҳавога буг бўлиб кетди.  
Орол учун жуда зарур бўлган сув  
Қумларга сингдию йўқ бўлиб кетди.

Олтиндан ҳам қиммат ҳар томчи сувни  
Кўз қорачиғидай сақлаш керак-ку?  
Бўстонлар яратиш ишига кетган  
Сарфу ҳаражатни оқлаш керак-ку?!

Баъзан адашамиз, баъзан шошамиз,  
Оқибат сув сингар қумлар қаърига.  
Ахир, учрашимиз мумкин-ку бир кун  
Она табиатнинг ҳақли қаҳрига!

Шундай иш қилингики, заррача бўлсин,  
Она табиатга шикаст етмасин.  
Минг йил давом этган табиий қонун,  
Мувозанат издан чиқиб кетмасин,

Мана, Орол қуриб бормоқда, эсиз,  
Тополмай ётибмиз дардига чора.  
Ўзи ўз дардига тополмай даво  
Биздан ёрдам сўрар Орол бечора!

Сақлаб қололмасак Оролни агар  
Оқибати хунук, даҳшат-ку, ахир!  
Бора-бора қолса Орол ўрнида  
Кафандай оқариб шўр босган тақир?!

Оролни сақлашнинг иложи йўқми?  
Наҳотки шу қадар ожиз эрамиз?  
Бутун бошли кўлни йўқотиб қўйиб,  
Келажакка қандай жавоб берамиз?!

Йўқ, Орол дардига топилар даво!  
Ахир, биз бормиз-ку, доно инсонлар!  
Ақлу идрокимиз, меҳнатимиздан  
Келажакка қолур яхши эҳсонлар!

Бугун бўлаётган хайрли ишнинг  
Мевасини ейди келгуси авлод.  
Биз қолдирган яхши меросни қутлаб  
Чуқур ҳурмат билан бизни айлар ёд!

*1986 йил 13 июнь — 11 декабрь Дўрмон*

## ЁМҒИР БИЛАН КЎКАТ

Кўкат қулоғига шивирлар ёмғир:  
«Тезроқ чиқақолгин, келди-ку фурсат.  
Жуда соғинганман малоҳатингни,  
Яшил либослигим, юзингни кўрсат!»

«Бир оз ётаурай, — дер унга кўкат, —  
Совуқдан қўрқаман, уриб кетмасин.  
Минг йиллар дунёга кўрк бўлиб келган  
Кўм-кўк майсаларим қуриб кетмасин».

Емғир дер: «Қуёunning ҳароратидан  
Қурт-қумурсқалар ҳам уйғониб қолди.  
Баҳорнинг мулойим, илиқ нафаси  
Барча юракларга ҳаяжон солди.

Турақол, эринма, ўтқазма дамни,  
Бир дам ҳам фурсатни бой бериш ёмон.  
Вақтинг кетса агар бахтини ҳам кетар,  
Ғофилларга кулиб боқмаган замон.

Сен озиқ берасан, мен сув бераман,  
Ишимиз дунёни тўйдириш, боқиш.  
Қанча сезинч, қанча сафо бахш этар  
Оламга бир қарра жилмайиб боқиш!

Фасллар айланар соат милицдай,  
Баҳору ёзимиз, кузу қишимиз.  
Давом этар экан замини замон  
Асло тўхтамайди бизнинг ишимиз...

Обихаёт эрур ҳар битта томчим,  
Вақтида ичиб қол, ўтмасин фурсат.  
Жуда соғинганман қиш бўйи сени,  
Яшил либослигим юзингни кўрсат!»

*1987 йил 6 январь*

### БАҲОР НАФАСИ...

Ҳавода анқийди баҳор нафаси,  
Ҳолбуки, ҳали қиш, ҳозирча аёз.

Бари бир ҳадемай келади баҳор,  
Аллақаёқларда навбат кутар ёз...

Бу туйғу баҳорни соғинганимдан,  
Кўнглимга жуда ҳам яқиндир баҳор.  
Айтинг-чи, бу ёруғ жаҳонда, дўстлар,  
Севимли баҳордан гўзалроқ не бор?

Дунёда интизом мавжуд: фасллар  
Ясов тортиб ўтар навбат-банавбат.  
Фасллар парадни бошлаб беради  
Муаззам навбаҳор кўрсатиб савлат.

Дунёда ҳеч қачон ҳеч бузилмасин  
Азалий интизом, тартиб, қоида.  
Алманиб кетмасин мувозанатлар,  
Ҳар нарса батартиб турсин жойида.

Дунёнинг тинчлиги бирдан бузилиб,  
Ер ўз меҳваридан чиқиб кетмасин!  
Атом бомбалари қиёмат кўзгаб,  
Оламни ҳаётдан маҳрум этмасин!

Ҳар сафар ясениб келганда баҳор  
Бизни хушнуд этсин булбуллар сози.  
Бизга ҳамроҳ бўлсин муҳаббат, шодлик,  
Дилга севинч солсин гулларининг нози...

Ноғихон юз бериб бирор фалокат  
Бузилмасин дунё қолунияти.  
Олам баҳорига етмасин завоқ,  
Шу эрур башарнинг олий нияти!..

Ҳавода кезгандай баҳор нафаси,  
Ҳолбуки, ҳали қиш, ҳозирча аёз.

Аммо, ҳадемасдан келади баҳор,  
Аллақаёқларда навбат кутар ёз...

1987 йил 17 январь

### ЯШАШ ИСТАГИ...

Неки тирик зот бор ёруғ жаҳонда  
Яшашни истайди, яшаш пайида.  
Яшаш иштиёқи яққол намойн  
Богда булбулларнинг чалган «найи»да.

Кичкина ариқда чулдираб оққан  
Сув шилдирашида ҳаёт садеси.  
Парранда, дарранда, ҳавода, ерда  
Тинмай изғивази — ҳаёт гадеси.

Гунча очилади гул бўламан деб,  
Мева қиламан деб, гуллар оғочлар.  
Аллақаёқларга судралар, учар,  
Ҳаёт гизосига ташналар, очлар.

Хавфу хатарларни писанд қилмасдан  
Яшаш учун йўлбарс чиқади овга.  
Ҳаётини қўрғаб баъзи бир жондор  
Ташланар ўзидан кучлироқ ёзга.

Яшаш қудратини намойиш қилур  
Тошни ёриб чиққан юмшоқ гиёҳлар.  
Яшаш учун кураш азалий қонун,  
Табиатда мавжуд сонсиз гувоҳлар.

Яшаш ниятида ҳаракат қилур  
Филгача энг кичик микробдан тортиб.  
Чумоли тинимсиз изғир, устига.  
Ўзидан ўн ҳисса оғир юк ортиб.



Инсонларда эса яшаш истаги  
Ун ҳисса, юз ҳисса, минг ҳисса ортиқ!  
Ҳаёт, яшаш ҳаққи мавжудот учун  
Табиат бахш этган бебаҳо тортиқ...

Бу муқаддас қонун доим бер бўлсин,  
Гўзал дунёмизнинг безаги бўлиб.  
Авлодлар беҳатар яшасин абад,  
Ҳаётнинг завқига, шавқига тўлиб.

*1985 йил 18 январь*

### БОБОМНИНГ АЙТГАНЛАРИ...

Яшнаб турган гулни нега синдирдинг?  
Мутлақо яхши иш қилмадинг, болам!  
Дунёни муаттар айлайди гуллар,  
Шу гуллар ҳуснидан безанар олам.

Нақадар чиройли сара гулларнинг  
Очилиб туриши чайқалиб элда.  
Она табиатни эъвозлаганлар  
Эъвозланар деган, мақол бер элда.

Жаҳонга гўзаллик, нафосат лозим,  
Гулларни севишни, асрашни ўрган.  
Далага гул ўтқаз, оро бер боққа,  
Сени олқишласин ишингни кўрган.

Гулларнинг чиройи — дунё чиройи,  
Яшнаб турган гулни синдирма, увол!

Гулларни хорлама, болажониннам,  
Оламнинг ҳуснига етмасин завол!..

*1985 йил 25 февраль — 6 март*

### ТАБИАТНИНГ МИТТИ ҲОФИЗИ...

Сайраб турган қушга тош отди бола,  
Қушча қулаб тушди қора тупроққа.  
Улиш учун эмас, сайраш учун у,  
Учиб келган эди гуллаган боққа.

Кичкина қотилнинг отган тошидан  
Ўлди табиатнинг митти ҳофизи.  
Учмас бўлиб қолди бола қалбида  
Мудҳиш фожианинг даҳшатли изи...

Бола тўхтамаса шўхлик қилишдан  
Яна қанча қушлар ўлишин мумкин.  
Ишон: бора-бора кичкина қотил  
Катта қотил бўлиб қолишин мумкин...

*1985 йил сентябрь*

### ЮРАК ҲАҚИДА ШАРҚ АФСОНАСИ...

Юрак қушча эмиш қафасга тушган,  
Инсон кўкси эмиш унинг қафаси.  
Қуш типирлар эмиш қутулмоқ учун,  
Фарёд қилар эмиш ўчмай нафаси.

Чиқиб кетаман деб, уринармиш қуш,  
Тун-кун дукиллаб қафас деворин.  
Аммо, инсон сира унамас эмиш,  
Назар-писанд қилмай қушчанинг зорин.

Лекин, бора-бора кураш сўнгида,  
Инсон снгилармиш, тугармиш ҳориб.  
Қуш, ахир, инсонни доғда қолдириб,  
Чиқиб кетар эмиш қафасни ёриб...

*1985 йил 25 ноябрь*

## НАСИҲАТ

Кўчага чиқарма хонаки гапни,  
Элга наф етмайди хонаки гапдан.  
Майда-чуйда гапга ўралиб қолиб,  
Четга чиқиб қолма, жанговар сафдан.

Катта ташвиши бор, катта юмуши,  
Катта мақсади бор катта дунёнинг.  
Улуғ ишга кириш бор имкон билан,  
Томирда кўпириб қайнаси қонинг.

Четда қолиб кетма, эзгу ишлардан,  
Дунёнинг шонига боғлиқдир шонинг.  
Жаҳонда бирор из қолдириб кетсин  
Меҳнат, ижод билан ўтган ҳар онинг.

Майда гап туфайли чиқиб қолмагил  
Дунёни кўриқлаб тургучи сафдан.  
Меҳнат қил, ижод қил, ярат, бунёд эт,  
Битта иш афзалдир минг оғиз гапдан.

Ҳақиқатни ёқлаб айтилган ҳар сўз,  
Ёмонлар кўксига ўқ бўлиб тегар.  
Тўғри сўз, аччиқ сўз қувват касб этиб  
Не-не киборларнинг бўйинини эгар.

Мардларга ҳамроҳ бўл, ҳаёт йўлида,  
Чиқиб кетсин тамом номардлар сафдан.

Бўстонлар яшасин меҳнатимиздан,  
Гулзор тозалансин сассиқ алафдан.

Яхши гап фарқ қилар бемаъни гапдан,  
Тош фарқ қилганидай дурдан, садафдан.  
Дунёнинг юзига нур югурармиш  
Яхши ният билан айтилган гапдан.

Фикрингни чулғасин олий мақсадлар,  
Бачкана туйғулар, майда гапдан қоч!  
Ҳали дунёмизда катта ишлар кўп,  
Ҳали очилмаган тилсимларни оч!

Дунё неъматидан баҳра олганлар  
Ўзини дунёдан қарздор деб билар.  
Хавфу хатарларга қарши курашда  
Дунё биздан мадад ва кўмак тилар.

Дунёмизнинг юки жуда ҳам оғир,  
Бир четига биз ҳам елка тутайлик,  
Унинг ривожини ва давомини,  
Унинг равнақини доим кутайлик.

Агар бирор ерда юз берса офат,  
Унга жавобгармиз сен билан биз ҳам.  
Дунё тинчлигини ўйлайди мудом,  
Ўз қадрини билган ҳақиқий одам...

Кўчага чиқарма хонаки гапни,  
Элга манфаат йўқ хонаки гапдан.  
Ҳаёт-мамот учун курашар дунё,  
Ўрнингни эгалла, шарафли сафдан...

*1986 йил 24 июль — 8 сентябрь*

## УСТУН БЎЛИБ ҚОЛМАС ДУНЕГА...

(Атеистик мавзуда)

Устун бўлиб қолмас дунёга ҳеч ким,  
Вақти келганида ҳамма ҳам ўлар.  
Ҳа, дунё ҳисоблиқ, келди-кетди кўп,  
Ҳар ишнинг аввали, охири бўлар.

Инсон бир мартаба яшар дунёда,  
Умри туғилишдан ўлишга қадар.  
Ўлимдан қутқариб қололмас: хоҳиш,  
На дорию дармон, на бойлик, на зар.

Ўлим ҳақ дейди калқ, чунки аввалдан  
Бу ҳақиқат бўлган ҳаммага аён.  
«Уйқу уйқудир, ўлимдир ўлим»,  
Бу ҳолни минг йиллаб қилмишлар баён.

Тирикларга ҳаёт бергувчи қудрат  
Қоннинг аъзоларда кезиб юриши.  
Ўша ерда ўлим ҳозир, нозир  
Қаерда тўхтаса юрак уриши.

Шу дунёдан бўлак бошқа дунё йўқ,  
Ҳаммаси, жаннат ҳам, дўзах ҳам хаёл.  
Ҳа, бу ҳақиқатни айтаман, гарчи  
Баъзи бировларга келса ҳам малол.

Яхшидир, шубҳасиз, қилиб қолганинг  
Не қилмоқчи бўлсанг ўлишга қадар.  
Мутлақо ишонма, доғда қолсан,  
«Нариги дунё» бор десалар агар.

Не қилмоқчи бўлсанг шу дунёда қил,  
Ишониб юрмасдан насл сўзларга.

Ўзингни олиб қоч хурофотлардан,  
«Инсу жинс» кўринмас шунда кўзларга.

Инсон ўлгач бари сиртда қолади,  
Гўрга кирар фақат «жони йўқ» жасад.  
Сиртида қолиб кетар орзу ҳаваслар,  
Сиртда қолар севги, гаразу ҳасад...

Яхши иш, ёмон иш, гуноҳу савоб  
Ҳаммаси қолади ўзингдан кейин.  
«Мункарнакир» эмас, авлод олдида  
Қилмишингдан ҳисоб беришинг қийин.

Инсон ўлса ундан хотира қолар,  
Қилмишингдан юзинг бўлмасин қора.  
Яхшидан яхши ном қолса, ёмондан  
Ёмон от қолади тириклар ора.

Яхши ном қолдириб кетганлар озми?  
Шулардан ўртак ол, шулардан ўрган.  
Қандингни ур, десин, офарин десин,  
Дунёда қолдирган ишингни кўрган.

Чўдларни гул қилиб кетса яхшилар,  
Гулзорни кул қилиб кетар ёмонлар.  
Тнадан тилга ўтар яхшининг номи,  
Яхшини унутмас ўтган замонлар.

Инсонни шарафлар меҳнату ижод,  
Олқишга сазовор яхши инсонлар.  
Меҳнат қилганларни эслатиб турар  
Яшнаган бўстонлар, олтин хирмонлар.

Бу дунёдан бўлак бошқа дунё йўқ,  
Ғафлатда қолмагин, адашиб юрма.

Товламачи, айёр, фирибгарларнинг  
Қаршисида қулдек бош эгиб турма.

Жаҳолат, нодонлик, эски одатлар  
Авомлар кўзига тортилган парда.  
Дуо ўқиб шилар, дам солиб тўнар,  
Уят, номус бўлмас балохўрларда.

Инсонларча яша тириклигингда,  
Елкангда қолмасин дунёнинг қарзи.  
Оламга келдингми, меҳнатинг билан  
Инсон деган буюк унвонга арзи!..

*1986 йил 24 декабрь — 1987 йил 17 январь*

### ШЕЪРИЙ ЖАВОҲИРЛАР...

Тинчимни юракдан, уйқумни кўздан  
Яна олиб кочди безовта ўйлар.  
Майлига тинчимни йўқотсам, фақат  
Шеърият боғида бошлансин тўйлар.

Ахир, ҳар бир газал, ҳар бир шеърнинг  
Туғилиши бахтли шоирга тўй-да!  
Халққа хизмат қилиш кечаю кундуз,  
Асл шоир яшар шу эзгу ўйда...

Шеърий жавоҳирлар юракдан чиққан  
Тўкилсин қоғознинг оқ сийнасига!  
Неки ёзган бўлсам, неки яратсам  
Қўшилсин шеърият хазинасига...

*1984 йил 7 декабрь*

## УТМИШНИ ЭСЛАГАНДА...

(Таржимаи ҳолимга)

Мен, 1930 йили Самарқанддаги Педакадемияни битириб, Ўзбекистон Давлат нашриётига, адабиёт бўлимининг мудари бўлиб ишга кирган эдим.

Уша йили Ўзбекистон пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчирилди. Давлат нашриёти билан бирга мен ҳам Тошкентга кўчиб келдим.

Турадиган уй-жойим бўлмагани учун, тўрт йилча қариндошларимникида яшаб юрдим, аввал холам Сабоҳат Аҳмедоваларникида, сўнг, тоғаваччам Илҳом Исҳоқовникида турдим.

1934 йили, Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзи ташкил топгандан кейин, унинг раҳбарларига Литфонд ҳисобидан уй-жой сотиб олиб берилди. Ушайда, янги уйга кўчган, Ёзувчилар союзининг аъзоси ва раҳбарларидан бўлган Анқабойнинг кичик, ҳужрага ўхшаган, эски уйини менга бердилар. Уша маҳалда уйсиз, ҳар ерда санғиб юрган, «ватансиз» кунларимда бу, ҳеч қанақа қулайлиги бўлмаган, офтобга тескари, мутлақо нур тушмайдиган, зах, қоронғи, битта каравот ва битта ёзув столи аранг сифадиган, асли бошқа хоналарга қирадиган коридордан ясалган уй ҳам менга «қошона» бўлиб кўринган, мени роса хурсанд қилган эди. Ахир, «ўз уйим, ўлан тўшагим» вужудга келган, энди мен мустақил бўлиб яшайдиган кунлар келган эди-да!

Бу, чор атрофи эшикдан иборат бўлган уйга кўчиб келган куним, шодлигимдан, қуйидаги ҳазил шеърни ёзган эканман. Уша, «тарихий», кундалигимда ёзиб қўйилган шеъримни, ҳурматли ўқувчиларга тақдим этаман.



## УРТОҚ ИЛҲОМ!

(Ярми ҳазил, ярми чин)

Авваллари излаб адресимни  
Топа олмай санғиб юрардинг.  
Ҳар эшикка келиб: «Уйғун борми?» —  
Дея тақиллатиб турардинг.

Ҳар эшикдан чиқиб жавоб берарди:  
«Уйғуннинг уйи йўқ, жойи йўқ.  
Ҳар ерда «битбилдиқ», кулбаси йўқ,  
Ичарга иссиқроқ чойи йўқ.

Бир кун бунда бўлса, бир кун унда,  
Дайдиланиб, санғиб юради.  
Бир жомадон, битта кўрпаси бор,  
Ҳар ерда омонат туради.

Хотин қайда унда, бола қайда?!  
Сўққабошу «якка хўжалик».  
Ҳеч ким ишонмайди бу одамни  
Бўлади, деб бир кун хўжалик...

Бироқ ўзи анча дуруст йингит,  
Баъзилар қадрига етмайди,  
Кулба тоғиб бериб ўртоқлари  
Бечорага ёрдам етмайди.

Ўзи ҳам ўлғудай дағдаса,  
Кўлидан ҳеч нарса келмайди.

Бирор ишни қувиб орқасидан  
Югурмайди, сира елмайди...

Энди, қўй-чи, гапнинг нўскаласи  
Узинг излаб юриб, тәпиб ол.  
Истасанг уй бериб, уйга қамаб,  
Эшигини маҳкам ёпиб ол!»

Шундан сўнг эшикни тарс эткизиб,  
Ёпардилар, — ўксиб қолардинг.  
Яна излаб мени, гир айланиб,  
Оёғингни қўлга олардинг.

Девоналар каби эшик қоқиб,  
Кўча-кўйда умринг ўтарди.  
Тополмасдан мени, итдек чарчаб,  
Ҳориб-толиб эсинг кетарди.

Ҳафсаланг пир бўлиб, сўнгра бирдан  
Тажанглигинг тутиб қоларди.  
Умидсизлик умид, армонингни  
Юрагингдан тортиб оларди.

Жаҳл билан: «Қандай махлуқ эди,  
Тайини йўқ, турар жойи йўқ.  
Ҳол сўрашай, учраб турай десанг  
Маълум бир кунини йўқ, оғини йўқ.

Шоир бўлмай қолсин, шоирлик ҳам  
Сувга уриб кетди, шекилли.  
Ҳафсаласизлигини оқибатда  
Бошига ҳам етди, шекилли.

Менга нима, ўзи хоҳламаса,  
Орқасидан қувиб юрайми?

Тиланчилар каби ҳар эшикни  
Таҳиллатиб, кутиб турайми?!» —

Дея, ғойиб бўлиб, йўқолардинг,  
Талай чоқлар сени кўрмасдим.  
Ширин суҳбат хуриб сен билан,  
Ҳол-аҳволингни сўрмасдим...

Энди ишлар бошқа, тамом бошқа,  
Турмушим ҳам тамом ўзгарди.  
«Уйсизлик» дардини ўртоқларим  
Бошгинамдан мутлақ кўтарди.

Энди, мана, уйлик бўлиб қолдим,  
Аразиғни ташла, уйга келиб тур.  
Биргалашиб энди роса излайлик,  
Энди соғинтирмай уйга келиб юр.

Орқамизга энди офтоб тегди,  
Ҳар нарса бор энди, ишлар жойида.  
Кел, яхшилаб сени меҳмон қиламан,  
Энди бол-маза бор шоир чойида.

Кел, энди тортинма, уялмагин,  
Юракдаги тотли армонинг!  
Бирга бўл мен билан, бирга ишлаш,  
Оёқ-қўлимдаги дармоним!

Кел, гулим, кел, менинг гул илҳомим,  
Жўшқин лирикалар қанот қоқсинлар!  
Юрагимга сизмай ётган шеърларим  
Баҳор сувларидай тошиб оқсинлар!

Долғалансин шеър кучли денгизлардай,  
Яшнасинлар, чечак отсинлар.

Ҳар колхозчи йигит, ҳар ишчи қизини  
Юрагида ўйлаб ётсинлар!

Улар десин ўқиб лирикални:  
«Уйғун яқин шоир. Уйғун бизники!  
Уйғун ишчиники, Уйғун зарбдорники,  
Уйғун колхоздаги қизиники!»

Оҳ, шунда мен ҳадсиз севинардим,  
Осмоғларга етиб бўйларим.  
Гўзалардай гуллар фикрларим,  
Юртимиздай ўсар ўйларим...

Қўлга олиб яна ўткир қаламни,  
Ҳавас билан ўза бошлайман.  
Дилда ётган фикр хазинасин  
Илҳом билан қазий бошлайман.

Бу шеър, кундалигимда бир ўтиришда, оний, яъни тез, қораламасиз, 1934 йил 14 октябрда ёзиб ташланган эди, мен уни бир оз таҳрир қилиб, оққа кўчирдим.

1985 йил 18 февраль

## ДУНЕ ЯСОВ ТОРТИБ УТДИ ЕНИМДАН...

Дунё ясов тортиб ўтди ёнимдан,  
Ҳамон ўлтирибман кузатиб йўлда.  
Неки кўрган бўлсам, не билган бўлсам,  
Қайд этиб юрибман, қаламим қўлда.

Умримда бошимдан кечирганларим  
Эсга тушаверар ўйлаган сари.  
Қаторлашиб ўтар дил кўзгусидан  
Утган йилларимнинг хотиралари.

Болалик, ўсмирлик йиллар ёдимда,  
Қишлоқда юрардим кўча чангитиб.  
Минг хил савол бериб уйқусиз тунлар,  
Кўярдим бувимни роса гангитиб.

Ёдимда қора уй, қора чирокнинг  
Ливиллаб ёнувчи хира ёруғи.  
Ёдимда оч, ювун юрган одамлар,  
Турдиқул чўлокнинг йиртиқ чорвиғи...

Уч йилча ўқидим эски мактабда,  
Биладиган бўлдим ўқиш-ёзишни.  
Ёшлиқдан ўргандим оғир ишларни:  
Кўш ҳайдаш, ер чопиш, ариқ қазишни.

Эсимда, ёшлиқда ўтган йилларим:  
Юз ёқлама зулм ҳаддидан ошди.  
Қон ичиб қутурган хонасаллотлар  
Етим-есирларни итдай талашди.

Ҳоким эди юртда жоҳил табиблар,  
Мунофиқ муллолар, фарибгар бойлар.  
Шуларнинг қўлида эди ҳаммаси:  
Ҳисобсиз бойлиғу энг яхши жойлар.

Зулмат қуюқланиб бормоқда эди,  
Ҳукм сурар эди юртда жаҳолат.  
Кўзларга пардаю ақлга сиртмоқ —  
Эди эски, чирик урф ила одат.

Ҳаққи-ҳуқуқидан маҳрум айёллар  
Мол каби ақчага сотилар эди.  
Исён кўтарганлар зулмга қарши —  
Дорга осиларди, отилар эди.

Ажал уругини сочиб ўтдилар  
Озарчилик, вабо, терлама бари.  
Одамларни қириб харобаларда  
Кезиб юрар эди ажал лашкари.

Тушу кун тер тўкиб ишлаган деҳқон  
Ўзгани тўйдириб ўзи қолди оч.  
Ўзгани кийдириб келган меҳнаткаш  
Ўзи кафангадо, ўзи яланғоч.

Капсан олувчилар ғоят кўп эди,  
Туш-тушдан таланди шўрлик деҳқонлар.  
Ёнсоқ чақар эди халқнинг бошида  
Чор чиновниклари, амирлар, хонлар.

Кескинлашар эди билониҳон  
Синфий курашларнинг жангу жадали.  
Кимни ким енгади — бу мушкул жумбоқ  
Ҳал бўлмаган эди дунёда ҳали.

Шовқин-суронлари Бешинчи йилнинг  
Қулоқлар остида янграб турарди.  
Нурли келажакнинг — коммунизмнинг  
Шарҳаси оламни кезиб юрарди.

Довул эсиб ўтди кўҳна дунёнинг  
Уйқусини бузиб, «чангини» қоқиб.  
Миллионлар қалбида зулмга қарши  
Ғазаб ва интиқом ўтини ёқиб.

Қонли жангга кирди эрк истаганлар,  
Шай эди қўлида қурол-яроғи.  
Орзу қиларди халқ ёруғ кунларни,  
Қалбида сўнмади умид чироғи.

Ҳали бола эдим, титрарди олам  
Жаҳон урушининг даҳшатларидан.  
Осмон ҳайрон эди жаҳонгирларнинг  
Ерда қилган қабих ваҳшатларидан.

Ҳаммасини кўрдим, бари эсимда:  
Ун олтинчи йилги халқ кўзғолони.  
Хотирамдан кетмас ерга тўкилган  
Эрк истаганларнинг покиза қони.

Жазо отрядлари топтаб ўтдилар  
Харобазор қилиб шаҳру қишлоқни.  
Мунофиқ муллалар фатво бердилар  
Яхшини ёмон деб, қора деб оқни.

«Мингтепа» кул бўлди, исён қилганлар  
Сургун қилиндилар, кишан қўлларда.  
Кишан овозига қулоқ солишиб,  
Судраларди улар оғир йўлларда.

Инқилоб бонг урди, кўзғолди дунё,  
Янги давр бошлади уйғонган олам.  
Улуғ Октябрнинг шарофатидан  
Ўз қадрини тояди меҳнаткаш олам.

Йўл кўрсатиб берди шонли Партия,  
Нур сочди оламга Ленин куёни.  
Ўзилди занжири зулму зулматнинг,  
Етим-есирларнинг тинди кўзёши.

Менинг Ватаним ҳам бахтиёр бўлди,  
Шу қутлуғ баҳорда, шу нурли тонгда.  
Эски ақидалар кул бўлиб ёнди,  
Ғаллар коммунизм таяси онгда.

Бу гоя бахш эгар бахтегиларга бахт,  
Жаҳонга озодлик, ўруғ истиқбол.  
Шу гоя туфайли инсониятнинг  
Ердин ғалакати ғўринар яққол.

Сурон билан ўтди оловли йиллар,  
Ҳарбий коммунизм бошланди элда.  
Жангу жадалларга киришиб кетдик,  
Минглаб Алломишнинг қуввати белда.

Эсда: Гражданлар уруши, юртда  
Авжига чиққанди қиргинбаротлар.  
Гоҳ очиқ, гоҳ зимдан бало-қазодек  
Ҳужум қилишарди ганимлар, ётлар.

Ҳужум қилишарди пистирмалардан  
Ўтмишни қўмсаган бойлар, қулоқлар.  
Тоғу тош, қўмларда илғишар эди  
Қонхўр босмачилар, қотиллар, оқлар.

Ташқи ёв, ички ёв тишини қайраб,  
Ҳамла қилиб кўрди, тиши ўтмади.  
Барча қора кучлар бизни бўғай деб,  
Халқумга қўл чўзди, қўли етмади.

Шиддатли зарба еб қизил аскардан  
Ёвуз душманларнинг пасайди ҳоври.  
Ижодий меҳнатга тушиб кетди халқ,  
Бошланди тикланиш, қурилиш даври.

Ҳаммасини кўрдим, ҳаммаси бўлди,  
Халқим бузиб ўтди чиряк говларни.  
Уруш, юришларда қаҳрамон элим,  
Енгиб, янчиб ўтди барча ёвларни...



Мураккаб дунёда ҳаммаси бўлди:  
Шодлик ҳам, қайғу ҳам, тўй ҳам, ага ҳам.  
Машаққатга чидаб, ғамларни енгиб,  
Фақат эзгуликни ўйладик ҳар дам.

Кўз олдимда ҳаёт ўзгара борди.  
Ўзгарди мутғасил яқини томонга.  
Мари халқимиз қилган барча юмушлар  
Мас эди янги давр, янги замонга.

«Хужум» бошланглию паранжи ёнди,  
Ойдек ярақиради аёллар юзи.  
«Ичкари» бузилди, хотин-қизларга  
Мангу кўлиб боқди тале юзлари.

Еру кўкка сиемас эди шодликдан  
Ер ислоҳотида ер олган деҳқон.  
Деҳқон умми шуҳрат белгиси бўлди  
Ҳалол меҳнат билан қозонилган шон.

Тубдан ўзгартирди кўҳра қишлоқни  
Халқимиз яратган колхоз тузуми.  
Дастурловчиликни боқитди, босиб,  
Колхоз боғларининг олма, узуми.

Дарак берар эди эл бойлигидан  
Ғалла-дон ортилган қизил карвонлар.  
Бебаҳо хазина, тенги йўқ гавҳар  
Пахтадан яралган олтин хирмонлар.

Саноат бобинда юз берганида  
Буюк ўзгаришлар, хурсанд эди халқ.  
Илму фан, техника, ҳунар, билимни  
Тинмай юксалтириш зарур, деди халқ...

Шонли Бешйилликлар бовиланиб кетди,  
Юксалишимизнинг нималардаси.  
Муттасил амалга оша борарди  
Улуғ Партиянинг буюк гояси.

Бешйиллик йиллари, ўзини йиллари,  
Озод кўтарилди бўйи-бастимиз.  
Иўк эди жаҳоннинг халқлари билан  
Тинч-тотув яшашдан бўлак қасдимиз...

Аmmo, тинчимизни бузди маккор ёв,  
Фашист бизга қарши уруш бошлади.  
Бутун Оврупоинг кучини тўплаб,  
Гитлер бизга қарши юриш бошлади.

Беш йилча қон кечиб, бахтини қўрғаб  
Сонсиз қаҳрамонлар кирдилар жангга,  
Хамла қилиб ёвуз дуниманга қарши,  
Садоқат кўрсатиб она-Ватанга.

Озодлик деб жангда қурбон бўдилар  
Халқимизнинг талай ўғил-қизлари.  
Ҳали кетган эмас уруш доғлари,  
Тамом ўчган эмас уруш излари...

Фашизм биз билан беллашиб кўрди,  
Шиддатли жангларда белини уздик.  
У ҳоким бўлмоқчи эди дунёга,  
Ниятини пучга чиқардик, буздик.

Ҳайдадик муқаддас Ватандан ёвни,  
Оғзи қон бўрини гўрига тикдик.  
Давлатимиз яна мустаҳкам бўлди,  
Омонсиз жангларда чиниқиб чиқдик.

Ниҳоят тугади касофат уруш,  
Яна қон югурди олам юзига.  
Ёруғ ва тинч қушлар бошланди яна,  
Ҳаёт тушиб кетди яна изига.

Ҳаммасини кўрдим: кўзим ўнгидан  
Очлик ҳам, тўқлиқ ҳам, шўхлик ҳам ўтди.  
Уруш ҳам, яран ҳам ўтди галма-гал,  
Оқибат халқимиз муродга етди.

Нелар юз бермайди Ваганда, халқим  
Ҳалол меҳнат билан бўлганида банд?  
Қайтадан яралган шаҳру қишлоқлар  
Жамолига боқиб бўлганман хурсанд.

Ҳаммасини кўрдим, ҳаммаси бўлди:  
Юксалди илму фан, ҳунар, саноат.  
Янги марраларга отланди халқим,  
Ютуқларимизга қилмай қаноат.

Дунё-дунё қувонч бахш этди менга  
Улкада юз берган ажойиб инлар.  
Мени суюнтирар пахтазорларда  
Тоғ-тоғ бўлиб ётган олтин-кумушлар.

Қимни ҳам ҳайратга солмайди дейсиз  
Улкада юз берган бойлик, ободлик.  
Янги каналларнинг жилёларида  
Кўзимга нур тўлди, қалбимга шодлик.

Мўъжизага ўхшар менинг наздимда  
Халқимиз яратган «қўлбола» кўллар.  
Гул бўлиб очилди эл меҳнатидан  
Сувга сероб бўлиб қадимий чўллар.

Юриш қилинганда чўлларга, мен ҳам  
Чўлқувар мардларнинг сафида эдим.  
Чўлда барно бўлган янги боғларнинг  
Ширин мевасидан тўйгушча едим...

Ҳаммасини кўрдим, ҳаммаси бўлди,  
Агар омон бўлсам кўрарман яна.  
Аминман: муқаддас, қутлуғ ғоямиз  
Жумла жаҳон бўйлаб қилур тантана!

Аҳдимиз мустаҳкам дунё оловида  
Шай эрур халқимнинг қурол-яроғи.  
Дунёни сақлаймиз бало-қазодан,  
Сўнмагай оламда ҳаёт чароғи!..

Мана, қирқ йилдирки, толиққан дунё  
Тинчлик отушида урушсиз яшар.  
Нурли келажак деб, элгу ишлар деб,  
Жаҳоннинг бахти, деб яшайди башар.

Аmmo, олам ҳамон қалқиб турибди,  
Ҳали тинчимаган тинчлик ёвлари.  
Безовта қилмоқда ташвишга солиб  
Евуз фашизмнинг даъво, довлари.

«Иңқилган курашга тўймас» дегандек,  
Иңқилганлар яна кўтармакда бош.  
Фашизм аждари бошини тўлгаб,  
Дунёнинг кўксига отмоқчидир тош.

Камлик қилганидай ердаги уруш,  
Тайёрланмоқдалар само жангига.  
Бизга қарши минг хил бўҳтонлар тўқиб,  
Заҳар солмоқдалар халқлар онгига.

Дўк, пўписа қилар тинчлик ёвлари  
Атом бомбасини ушлаб қўлига.

Қора ниятлилар инсониятни  
Бошламоқчи бўлар ваҳшат йўлига.

«Освенцим», «Дахоу»нинг даҳшатларини  
Халқлар чиқармаган ҳали ёдидан.  
Самонинг қулоғи қар бўлган шунда  
Сонсиз қурбонларнинг оҳи, додидан.

«Хиросима» эсда турибди, унинг  
Мудҳиш яралари ҳали битмаган.  
Атом оловида ёнган одамлар  
Ҳали кўз ўнгидан нари кетмаган...

Йўқ, урушга асло йўл қўйиб бўлмас!  
Эндиги урушнинг мазмуни ёмон.  
Кунпаякун бўлар атом жангида  
Мавжудоту ҳаёт, замини замон!

Ҳеч вақт йўл бермайди тинчликсеварлар  
Қирғинбаротларга, янги урушга.  
Қаҳрамон халқимиз тинчлик йўлида  
Аҳду паймон қилган маҳкам туришга...

Дунё ясов тартиб ўтди ёнимдан,  
Ҳамон ўтирибман кузатиб йўлда.  
Ҳаммавақт меҳнатда, хизматда бўлдим,  
Ҳали ҳам ишдаман, қаламим қўлда.

То тирик эканман қаламим қўлдан  
Тушмагай, туширмас замон талаби.  
Доим меҳнат қилиб яшасам дейман,  
Эзгу мақсадга етганлар каби...

*1984 йил 7 декабрь — 1985 йил 13 февраль*

# ҲАЖВИЯЛАР

## ФАЛОНЧИ

Ўзини ғоятда ишчан кўрсатиб,  
Баъзи бировларни алдаб ва авраб,  
Бошлиқ бўлиб олди бир идорага,  
Улгудай мақтанди тинимсиз жавраб:

«Мен ҳалол одамман! Мен пок одамман!  
Ҳақиқатпешаман!» дея урди лоф.  
Аммо, кейин маълум бўлдики, барча  
Қилган иши унинг қонунга хилоф.

Лаганбардорларни тўплаб ёнига,  
Ножўя ишларга киришиб кетди.  
Ошна-оғайнилар, қавму-қариндош  
Ердам берди, ишлар юришиб кетди,

Қўли эгри эди аввалдан унинг,  
Ўғрилиқ ҳам қилди, пора ҳам олди.  
Талон-торож қилиб давлат мулкини  
Олтин-кумушларни сандиққа солди.

Ўрганиб қолувди ҳаром-ҳаришга,  
Нима тўғри келса ямламай ютди.  
Гоҳи қўлга тушиб, яна қутулиб,  
Бари бир ҳаммавақт эгри йўл тутди.

Давлат идорага берган уйларни  
Қариндошларига улашиб берди.  
Уй олишга кўпдан ҳаққи борларга  
«Кутинг, навбат билан оласиз» дерди.

Ўғил уйлантирди, қиз ҳам чиқарди,  
Катта тўйлар қилди ном чиқармоққа.  
Бошқалардан ўзиб кетаман дея,  
Мармар ҳовуз қурди каттакон боққа.

Дангиллама уйи торлик қилгандек  
Янги «дача», янги «кошона» солди.  
Босар-тусарини билмай бу қаллоб,  
Машина устига машина олди.

Атрофини ўраб ҳамтесоқлари  
Уни фош бўлишдан ҳимоя этди.  
Кимки унга қарши бош кўтарса, тез  
Таъяга сув қуйди, бошига етди.

Аммо, қинғир ишнинг қийиғи чиқар —  
Деган гап бор, ахир чиқди қийиғи.  
Жиноят устида қўлга тушдию  
Фош бўлди расвонинг барча «қилиғи».

Жиноятчи қилган жиноятини  
Яшира олмайди кўпнинг кўзидан.  
Энди жазосини тортади, шаксиз,  
Қинғир иш қилдимми, кўрсин ўзидан.

Жинояти огир, айби кўп эди,  
Мўлтони ўзини оқлай олмади.  
Мусодара бўлди молу мулки ҳам,  
Йиққан бойлигини сақлай олмади.

Ноҳақ енголмайди ҳақни ҳеч қачон,  
Адолат ҳукмрон бу замонда.  
Энди у «саройда», «кошонада»мас,  
Кўр бўлиб ётибди қамоқхонада...

1985 йил 15 январь

### ҲАРОМТОМОҚ

Кўриниши содда, сўзи мулойим,  
Доймо илжайиб, кулиб туради.  
Аммо, ўз ишига жуда ҳам пухта,  
Содда одамларни товлаб юради.

Ҳожати борларни учратиб қолса  
Илҳондек аврайди, тавга солади.  
Ишини битириб, йўлини тониб,  
Эвазига «совға-салом» олади.

Олмай туrolмайди, эски касали,  
Норага жуда ҳам ўрганиб қолган.  
Озми-кўпми демай, ҳарқалай пулми,  
Тортимай, уялмай, олгани олган.

Манфаат чиқмаса иш битирмайди,  
Овора қилади пайсалга солиб.  
Ўзини бечора қилиб кўрсатар,  
«Пулдан қийналдим», деб юради нолиб.

«Кўза ҳар кун эмас, бир кун синади», —  
Бу гап тўғри, ахир «кўзаси» синди.  
Ҳаромтомоқлиги сабаб бўлдию  
Айёр тумшугидан ахир плинди.

Қўлга тушганида жиноят билан  
Ғинг деёлмай қолди, тонулмай қолди.



Ялинди, йиғлади, «билмай қилибман»  
Деб, айёр ўзини гўлликка солди.

Йўқ, ўзи ўқиган, билимдон одам,  
Бошқаларга таълим берадиган зот.  
Мунозара қила ҳуқуқ, қонундан  
Не-не билимдонни қила олар мот...

Қилган ишларининг оқибатини  
Бундай бўлишини билмаган эмиш.  
Коллектив айбдормиш, негаки уни  
Яхшироқ тарбия қилмаган эмиш.

Энди иқроп эмиш қилган айбига,  
Энди тушунганмиш шўргинанг қурғур.  
Тавба қилган эмиш, қасам ичганмиш,  
Юз бор қасам бузган, бу қасам ургур.

Урганиб қолувди бу ҳаромтомоқ  
Баъзи бировларнинг «инояти»га.  
Пора олганини бўйнига олди,  
Ўзи иқроп бўлди жиноятига.

Жиноят қилдими, адолат билан  
Жазога мустаҳиқ бўлгани яхши.  
Пора еб ўрганган ҳаромтомоқнинг  
Бу кундан кўра ўлгани яхши!..

*1985 йил 26 февраль*

## КАСОФАТ

Ҳамон таҳдид қилар океан ортидан  
Уша дунёпараст, ўша очофат.  
Жаҳон тинчлигига қасд қилмоқдадир,  
Уша, нияти шум, ўша касофат.

Мустамлакаларни зулукдай сўрди,  
Уша, «сариқ иблис» — ўша кир доллар.  
Бўғиб ўлдирмоқчи бўғма илондек  
Оч халқлар бўғзига чўзилган қўллар...

Таҳдид қилар дунё келажагига  
Уша келажаги бўлмаган зотлар.  
Қасд қилиб турибди — бало-қазодек  
Инсонлар жонига хонасаллотлар.

Балонинг тимсоли бўлиб турибди  
Уша, қалтираган қари капитал.  
«Жаҳон тақдирини хоҳлаганимча  
Фақат ўз фойдамга қилсам, дейди, ҳал»!

Жаҳонгир алдашга, фирибгарликка,  
Тухмат қилишга ҳам устадир ғоят.  
Бир кун туролмайди жиноят қилмай,  
Қон-қонига сингиб кетган жиноят.

Дунёни бошқача кўрар жаҳонгир,  
Эгри кўринади унга тўғрилик.  
«Ўғрини ушла!» деб, бақирадию  
Ўзи ўғирлайди, касби ўғрилик.

Бошқаларни айблаб босқинчиликда  
Ўзи босиб олар бўлак ерларни.  
Инсон ҳуқуқи, деб, жар солиб, қамар,  
Ўз ҳаққини талаб қилган эрларни.

«Урушга қаршимиз!» дейдию, аммо,  
Урушга тайёргарлик кўради тинмай.  
Иўқ қилишга тайёр Ерда ҳаётни,  
Халқлар талабини назарга илмай.

Елгон гапирмаса туролмас улар,  
Ҳеч қачон рост гапни, ҳақ гапни айтмас.  
То халқлар муштига дуч келмагунча  
Қора нијатидан, шаштидан қайтмас.

Дунёда яхшилар бор-ку, тоғилар  
Қарши турувчи куч зўравон-зўрга.  
Ҳа, «букурни фақат гўр тузатади»,  
Тинчиб қолар «букур» тушганда гўрга.

Яна қон тўкишнинг пайида улар,  
Ахир, озми Ерда тўкилган қонлар?!  
Яхшики, дунёда адолат мавжуд,  
Урушга йўл қўймас яхши инсонлар!

*1986 йил 24 октябрь — 10 ноябрь Дўрмон*

## МУНДАРИЖА

### ВАТАН ИШҚИ

Ватан ҳақида қўшиқ . . . . .	3
Ҳаёт қақиралди мени ёнига . . . . .	5
Улуғ партиянинг шарофатидан . . . . .	7
Янги йил муборак . . . . .	8
Шонли шанбалик . . . . .	10
Меҳнат байрами . . . . .	11
Куз келди . . . . .	13
Эзгу тилақлар . . . . .	14
Яхши вият . . . . .	16
Мен сени танийман . . . . .	17
Тинчлик йили . . . . .	21
Аламли нидо . . . . .	21

### СЕВГИ ҚЎШИҚЛАРИ

Олтин сеvgи . . . . .	24
Тонгги бўса . . . . .	27
Жафо қилма . . . . .	29
Келади . . . . .	30
Бари бир севаман . . . . .	32
Агар севад бўлсанг . . . . .	33
Юрагимни бериб кетсанг бас . . . . .	33
Кетар . . . . .	34
Мубтало бўлсам керак . . . . .	35
Ҳар ким ўз ёри билан . . . . .	36
Соҳибжамол . . . . .	36

Дилраболар бўлмаса . . . . .	37
Муддаолар бўлмаса . . . . .	38
Колхозчи қизга . . . . .	38
Емғир ёғаяпти . . . . .	39
Сени унутмайман . . . . .	40
Рухсори ол экансиз . . . . .	40
Қайданам учратдим сени . . . . .	41
Малоҳатингни билсам . . . . .	42
Адашган аёлга . . . . .	43

#### ФАЙЛАСУФНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Она-Ер . . . . .	45
Навбаҳор . . . . .	46
Она табиат . . . . .	49
Орол . . . . .	51
Емғир билан кўкат . . . . .	53
Баҳор нафаси . . . . .	54
Яшаш истаги . . . . .	56
Бобомнинг айтганлари . . . . .	57
Табиатнинг митти ҳофизи . . . . .	58
Юрак ҳақида шарқ афсонаси . . . . .	58
Насиҳат . . . . .	59
Устун бўлиб қолмас дунёга . . . . .	61
Шеърний жавоҳирлар . . . . .	63
Ўтмишни эслаганда . . . . .	64
Уртоқ илҳом . . . . .	65
Дунё ясов тартиб ўтди ёнимдан . . . . .	68

#### ҲАЖВИЯЛАР

Фалончи . . . . .	78
Ҳаромтомоқ . . . . .	80
Касофат . . . . .	81

**Литературно-художественное издание**

**УЙГУН (АТАҚУЗИЕВ)**

**ДЫХАНИЕ МОЕЙ ВЕСНЫ**

*Стихи*

Художник Ким Г.

Ташкент, издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма.

Сборник издан за счет экономии бумаги

На узбекском языке

Адабий-бадний нашр

УЙГУН (ОТАҚУЗИЕВ)

**БАҲОР НАФАСИ**

*Шеърлар*

Жамоатчи редактор Маъруф Жалил

Нашриёт редактори М. Ҳайдар

Расмлар редактори А. Мамажонов

Техн. редактор Э. Саидов

Корректор О. Турдибекова

ИБ № 4225

Босмахонага берилди 25.05.88. Босишга рухсат этилди 29.08.88.  
P 14773. Формати 70x90 1/32. Босмахона қоғози № 2. Адабий  
гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 3,22. Шартли кр-  
оттиск. 3,36. Нашр л. 3,14. Тиражи 10000. Заказ № 91.  
Баҳоси 35 т. Шартнома 218—87. Фафур Гулом номидаги Ада-  
биёт ва санъат нашриёти, 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишла-  
ри Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.

### **Уйғун.**

Баҳор нафаси: Шеърлар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. — 88 б.

Чиқиш маълумотларида авт.: Уйғун (Отақўзиев).

Ўзбекистон халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Уйғуннинг бу тўпламига кейинги йилларда ёзилган янги шеърлар билан бирга ўз вақтида жуда машҳур бўлган, ҳозир ҳам оҳорини йўқотмаган «Ватан ҳақида қўшиқ», «Олтин севги», «Жафо қилма», «Тонги бўса», «Жонтемир» каби севимли асарлари ҳам киритилди.

Бу тўплам ёш китобхонларга кекса шоирнинг ҳамisha навқирон илҳоми билан яна бир учрашиш имконини беради, қувонтиради деб ўйлаймиз.

Уйғун. Дыхание моеї весны: Стихи.